

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

2020 йил 31 декабрь

833-сон

Тошкент ш.

**АЙРИМ ТУРДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ МАЖБУРИЙ РАҚАМЛИ  
МАРКИРОВКАЛАШ ТИЗИМИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЖОРИЙ ЭТИЛИШINI  
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон ва «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, маҳсулотларни идентификация воситалари орқали маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларини белгилаш ҳамда айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қарорига мувофиқ:

2021-2022 йилларда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаби жорий қилинадиган маҳсулотлар рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) тасдиқланганлиги;

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ) жорий этилганлиги;

маркировкаланмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан тегишли имкониятлар «Солиқ ҳамкор» тизими ҳамда «Солиқ» мобил иловаларида яратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва «CRPT TURON» масъулияти чекланган жамият ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар асосида давлат-хусусий шериклик битими тузилганлиги;

«CRPT TURON» масъулияти чекланган жамият томонидан 2021 йил 1 июлга қадар «Asl belgisi» МАТга тегишли интеллектуал фаолият натижаларига доир мутлақ ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг мажбурий маркировкаланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларга маркировка кодларини тақдим этиш юзасидан хизматлар кўрсатиш учун ягона тўлов (тариф) миқдорини қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмасдан 1 код учун 68 сўм миқдорига белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Қуйидагилар:

Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

«Asl belgisi» маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Тамаки маҳсулотларини идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш хусусиятлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Алкоголь маҳсулотларини идентификация воситалари орқали рақамли маркировка хусусиятлари тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда:

маҳсулотларни рақамли маркировка бўйича ихтиёрий экспериментлар амалга оширилишини;

рақамли маркировка қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати кенгайтирилишини ва уларни жорий этиш муддатлари белгиланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган қоидалар ҳамда низомлар талабларига риоя этилишини назорат қилиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2021 йил 30 декабрга қадар дори воситалари ва тиббий буюмларни;

2022 йил 1 мартга қадар сув ва салқин ичимликларни;

2022 йил 1 майга қадар маиший техникаларни маркировка ва кузатиш тартибларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

**Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли  
маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш**

**ҚОИДАЛАРИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар маҳсулотларни рақамли идентификациялаш йўли билан маркировкалаш, шу жумладан, рақамли идентификациялаш воситаларини қўллаш ва шакллантириш, мажбурий маркировка қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган маҳсулотлар айланмаси ҳақидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритиш мақсадида Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими операторига (кейинги ўринларда — Оператор) тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Қоидалар қуйидагиларга:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида техник тажрибалар ўтказиш учун етарли бўлган миқдордаги намуналарни сақлаш ва транспортда ташишда;

б) намуна экспонат, реклама ва маркетинг намуналари сифатида халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларнинг ташкилотчилари ва иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилувчи ва сотиш (савдо) учун мўлжалланмаган маҳсулотларга;

в) божхона назорати остида турган маҳсулотларга;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хорижий мурувват (гуманитар) ва халқаро техник ёрдам ҳисобланган маҳсулотларга;

д) божсиз савдо (Duty free) дўконларида сотиладиган (савдо қилинадиган) маҳсулотларга;

е) сотувга тайёр бўлмаган маҳсулотларга, шу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар томонидан сақланишида;

ж) муомаладан чиқарилган, олиб қўйилган, мусодара қилинган ёки бошқа усулда Ўзбекистон Республикаси даромадига ўтказилган маҳсулотларга ва маҳсулотларни сотиб олишда, сақлашда, транспортда ташишда, сотилишида (савдосида) Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳисобига жарима солинган маҳсулотларга ҳамда йўқ қилиниши керак бўлган маҳсулотларга уларни сақлашда ва транспортда ташишда;

з) қонун ҳужжатларида белгиланган божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни республикага олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган маҳсулотларга;

и) дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, халқаро, давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари, уларнинг ҳузуридаги давлатлар ваколатхоналари томонидан расмий фойдаланиш учун мўлжалланган маҳсулотларга, уларни сақлашда, транспортда ташишда ва қўллашда;

к) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспортга олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган маҳсулотларга;

л) синовдан ўтказиш ва текшириш учун мўлжалланган ва сотиш (савдо) учун мўлжалланмаган маҳсулотларнинг намуналарига;

м) агар маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси хорижий ишлаб чиқарувчи ва юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида ҳомийлик битимини бажариш мақсадларида хорижий ишлаб чиқарувчининг топшириғи бўйича комиссия (агентлик) шартномаси доирасида ҳаракат қилаётган ҳолатда маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилувчи ва сотиш (савдо) учун мўлжалланмаган маҳсулотларга татбиқ этилмайди.

3. Рақамли идентификациялаш воситалари босиб туширилмаган маҳсулотларни айланмага киритишга ва рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маҳсулотларни маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритишга ҳамда рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маркировкаланмаган маҳсулотлар айланмаси ва айланмадан чиқарилишига мувофиқ маҳсулот гуруҳи учун рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маркировкалаш хусусиятлари билан белгиланган санагача йўл қўйилади.

4. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**агрегациялаш** — яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғининг идентификациялаш коди билан ҳар бир жойлаштирилган истеъмол қадоғи, гуруҳланган қадоқ, транспорт қадоғининг идентификациялаш кодларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотни сақловчи яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғига босиб тушириш билан истеъмол қадоғини биринчи даража гуруҳланган қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига ҳамда биринчи даража транспорт қадоқларининг кейинги даража транспорт қадоғига маҳсулотларни бирлаштириш жараёни;

**агрегацияланган божхона коди** — Оператор томонидан шакллантириладиган, маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан маҳсулотларни божхона декларациясидан ўтказишда қўлланилувчи рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мазкур Қоидалар билан мувофиқликда маҳсулотларни идентификациялаш мақсадлари учун агрегациялаш жараёнида маҳсулотларни бирлаштирувчи, ўзи билан ҳар бир маҳсулотнинг идентификациялаш кодларини, жумладан, қадоқнинг идентификациялаш кодлари бирлаштирилишини тақдим этувчи маҳсулотларнинг алоҳида мажмуаси учун белгиларнинг ноёб кетма-кетлиги;

**маҳсулотларни айланмага киритиш** — маҳсулотни ишлаб чиқаришда:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — ишлаб чиқарувчидан янги мулкдорга ёки бошқа шахсга бундай шахсга унинг тасарруф этиш мақсадида ёки уни тарқатиш ва (ёки) қўллаш учун эришимли қилувчи кейинги сотилиши учун маҳсулотнинг бирламчи пулли ёки бепул узатилиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида — Ўзбекистон Республикасига олиб кирилувчи маҳсулотнинг ички истеъмоли учун божхона органлари томонидан чиқарилиши;

маркировкалаш мақсадида маҳсулотларни айланмага киритиш қуйидагича эътироф этилади:

маҳсулотнинг келажакда сотилиши (савдоси) билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аввал сотиб олинган маҳсулотнинг уларга пулли ёки бепул узатилиши;

юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан маҳсулотларни пулли ва (ёки) бепул бериб юбориш, эгасиз, муомаладан чиқарилган, мусодара қилинган, тақиқ қўйилган, суд ва ваколатли органларнинг қарорига мувофиқ давлат ҳисобига ўтказилган мулкни қонунчиликка мувофиқ янги мулкдорга сотиш;

комиссия шартномалари доирасида, якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланмайдиган жисмоний шахслардан олинган маҳсулотларнинг комиссиясиз томонидан сотилиши (савдоси);

**маҳсулотнинг айланмадан чиқарилиши** — шахсий истеъмол учун жисмоний шахсга маркировкаланган маҳсулотнинг сотилиши (савдоси), маҳсулотни муомаладан чиқариш (мусодара қилиш), утилизация қилиниши, йўқ қилиниши, йўқотилиши ва аввал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланмада бўлган маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига сотилиши, шахсий эҳтиёжлар учун қўлланилиши ҳамда маҳсулотнинг келажақда айланиши тўхтатилишини кўзлаган бошқа ҳаракатлар;

**гуруҳланган қадок** — маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан шакллантирилувчи полимер плёнка ёки қоғоз билан ўралган ёки гуруҳланган қадокнинг идентификациялаш кодига эга бўлган қоғоз тасма билан қопланган ва уни тарқатиш имконияти билан сотилиши керак бўлган маҳсулотлар мажмуи;

**импорт қилувчи** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотларни сотиш мақсадида Ўзбекистон Республикасига маҳсулотларни олиб кирувчи юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор;

**индивидуал серия рақами** — маҳсулот кодига асосан маҳсулотлар бирлигини ёки маҳсулотлар тўплами ёки маҳсулотлар жамланмаси ёки гуруҳланган қадокни ноёб идентификация қилувчи белгиларнинг кетма-кетлиги;

**маркировкалаш ахборот тизими** — маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш Миллий ахборот тизими;

**маркировка коди** — идентификациялаш кодидан ва текшириш кодидан ташкил топган Оператор томонидан шакллантириладиган белгиларнинг ноёб кетма-кетлиги;

**идентификациялаш коди** — ўзи билан маҳсулот нусхасининг ноёб рақамини тақдим этувчи белгиларнинг кетма-кетлиги;

**маҳсулотлар жамланмасининг идентификациялаш коди** — ўзи билан мазкур Қоидаларга мувофиқ маҳсулотлар жамланмасини идентификациялаш мақсадлари учун шакллантирилувчи маҳсулотлар жамланмасини нусхасининг ноёб рақамини тақдим этувчи белгилар кетма-кетлиги;

**маҳсулотлар тўпланининг идентификациялаш коди** — ўзи билан мазкур Қоидаларга мувофиқ маҳсулотлар тўпланини идентификациялаш мақсадлари учун шакллантирилувчи маҳсулотлар тўплами нусхасининг ноёб рақамини тақдим этувчи белгилар кетма-кетлиги;

**транспорт қадогининг идентификациялаш коди** — ўзи билан мазкур Қоидаларга мувофиқ шакллантирилувчи транспорт қадогини нусхасининг ноёб рақамини тақдим этувчи белгилар кетма-кетлиги;

**текшириш коди** — идентификациялаш коди асосида имито қўшиш тартибида Оператор томонидан шакллантирилган ва уни фискал тўплагич ва (ёки) текшириш кодининг техник воситаларини қўллаш орқали текширишда идентификациялаш кодининг қалбакилаштирилганлигини аниқлашга имкон берувчи белгиларнинг кетма-кетлиги;

**маҳсулот коди** — маҳсулот номенклатураси бўйича маҳсулотлар тўғрисида ҳаққоний маълумотларнинг ҳисобини юритиш ва сақланишини таъминловчи ахборот ресурсида уларни таърифлашда маҳсулотлар гуруҳида тавсифланувчи ноёб код;

**маҳсулотлар жамланмаси** — сотиш (савдо) мақсадларида тарқатиб юборилиши керак бўлмаган умумий истеъмол қадогига бирлаштирилган ва маҳсулотлар жамланмасининг идентификациялаш кодига эга бўлган маҳсулотни ўз ичига олувчи ишлаб чиқарувчи томонидан шакллантирилувчи маҳсулотлар мажмуи;

**шахсий кабинет** — Оператор томонидан белгиланган тартибда маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига ёки давлат бошқарув органига тақдим этилувчи ва Оператор, маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси ва давлат бошқарув органи томонидан қўлланилувчи, Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборот сервиси;

**маркировкаланган маҳсулот** — мазкур Қоидалар талабларига риоя этиш билан рақамли идентификациялаш воситалари босиб туширилган ва у ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар (жумладан, унга босиб туширилган рақамли идентификациялаш воситалари тўғрисидаги маълумотлар) маркировкалаш ахборот тизимида сақланувчи маҳсулот;

**маркировка** — мазкур Қоидаларга мувофиқ идентификациялаш воситасини маҳсулотга ёки унинг қадоғига ёки бошқа моддий ташувчига босиб тушириш;

**маҳсулотлар тўплами** — маҳсулотлар тўпламининг идентификациялаш кодига эга бўлган ва уни тарқатиш имконияти билан сотилиши керак бўлган умумий истеъмол қадоғи билан бирлаштирилган маҳсулотлар айланмаси иштирокчи томонидан шакллантирилувчи маҳсулотлар йиғиндиси;

**маҳсулотлар айланмаси** — маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши, сақланиши, транспортда ташилиши, қабул қилиниши ва бериб юборилиши, жумладан, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиниши ва сотилиши;

**Оператор** — маркировкалаш ахборот тизими яратилишини, ривожлантирилишини, такомиллаштирилишини ва ишлатилишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахс;

**роуминг оператори** — марказлашган сақланишни, операторлар орасида узатишни ва электрон ҳисобварақ-фактураларнинг юритилишини таъминловчи юридик шахс;

**фискал маълумотлар оператори** — онлайн тартибда фискал маълумотларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ва сақланишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» давлат унитар корхонаси;

**маҳсулотларнинг қолдиқлари** — рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировкалашни киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва шундай мажбурий маркировкалашни киритиш санасига маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ва (ёки) уларнинг айланмасини амалга оширувчи юридик шахслар ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркорларнинг эгалигида ва (ёки) ишлатишида ва (ёки) тасарруфида бўлган маҳсулотлар;

**қайта маркировкалаш** — аввал босиб туширилган рақамли идентификациялаш воситаларининг йўқотилиши ёки шикастланиши муносабати билан мазкур Қоидаларга мувофиқ истеъмол қадоғига ёки ёрлиғига рақамли идентификациялаш воситасини қайта босиб тушириш;

**маҳсулотлар каталоги** — маркировкаланган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни каталоглаштириш ва сақлаш учун қўлланиладиган маҳсулотларни маркировкалаш ахборот тизимининг қўйи тизими;

**истеъмол қадоғи** — маҳсулот билан истеъмолчига келтирилувчи ва гуруҳланган қадоқ ёки транспорт қадоғи функциясини бажармайдиган бирламчи қадоқ (маҳсулот билан бевосита контактда бўлган қадоқ) ёки бирламчи қадоқ ва иккиламчи қадоқларнинг йиғиндиси (бирламчи қадоқдаги маҳсулот жойлаштирилувчи, аммо маҳсулотнинг гуруҳланган қадоқ ёки транспорт қадоғи ҳисобланмайдиган қадоқлар);

**ишлаб чиқарувчи** — Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари ҳисобланувчи ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулот ишлаб чиқарилишини ва сотилишини амалга оширувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

**рақамли идентификациялаш воситаси** — маҳсулотга, маҳсулот қадоғига ёки бошқа моддий ташувчига босиб тушириш учун мазкур Қоидалар билан шакллантирилувчи икки ўлчамли штрих код кўринишида тақдим этилган машина ёрдамида ўқилувчи шаклдаги маркировкалаш коди;

**буюртмаларни бошқариш станцияси** — маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси ва маркировкалаш ахборот тизими ўртасида ахборот алмашинуви учун мўлжалланган ва маркировкалаш кодларини олиш ва рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маркировкалаш тўғрисида маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига узатиш учун дастурий-техник восита;

**транспорт қадоғи** — агрегациялаш жараёнида истеъмол ёки гуруҳланган қадоқдаги маҳсулотни бирлаштирувчи, жойдан жойга кўчиришда шикастланишдан маҳсулотни ҳимоялаш мақсадида унинг сақланиши ва транспортда ташиш учун қўлланувчи ва мустақил транспорт бирлигини ҳосил қилувчи (жумладан, биринчи даража транспорт қадоғи ҳамда кейинги даража транспорт қадоқлари) қадоқ;

**маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари** — маҳсулотни айланмага киритувчи, унинг айланмасини ва (ёки) айланмадан чиқарилишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари ҳисобланувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар. Бунда маҳсулотнинг келажакда сотилиши (савдоси) билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда қўллаш учун уни сотиб олувчи ҳамда маҳсулотнинг намуналар бўйича сотилишида ёки масофадан сотиш усулида, жумладан улар билан боғлиқ бўлган хизматлар, жумладан, логистик хизматлар, биржа ва электрон тижоратни ташкил этиш бўйича хизматлар, маҳсулотнинг қайта савдога тайёрлиги, йиғилиши ва ўралиши, берилган маҳсулот ёки кўрсатилган тўлов учун пул маблағларини бир вақтда қабул қилиш билан сотувчининг номидан яқуний истеъмолчига маҳсулот етказиб берилишини ташкил этиш маҳсулотни етказиб бериш бўйича агентлик шартномалари, ва (ёки) комиссия шартномалари, ва (ёки) почта хизматлари доирасида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари;

**ёрлиқ** — ёзувлар, тасвирлар, белгилар, рамзлар, бошқа белгиланишлар ва (ёки) уларнинг мажмуаси кўринишида маҳсулот тўғрисидаги маълумотни туширувчи ва қадоққа, жумладан, ёпиштириш йўли билан маҳкамланувчи маълумотни ташувчи;

**электрон рақамли имзо** — электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитини қўллаш билан электрон ҳужжатнинг маълумотларини махсус ўзгартириш натижасида олинган ва электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги маълумотларнинг бузилишлари мавжуд эмаслигини ўрнатиш ва электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасини идентификация қилишга имкон берувчи электрон ҳужжатдаги имзо;

**электрон ҳужжат** — электрон ҳужжатни идентификация қилишга имкон берувчи, электрон ҳужжат реквизитларига эга бўлган электрон шаклда қайд этилган маълумот;

**электрон ҳисобварақ-фактура** — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилувчи, электрон ҳисобварақ-фактуралар айланмаси тизими операторлари орқали чиқарилувчи ва олинувчи маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишини ва харид қилинишини тасдиқловчи электрон ҳужжат (жумладан, қўшимча ҳисобварақ-фактура ва тўғриланган ҳисобварақ-фактура).

## **2-боб. Маҳсулотларни рақамли маркировкалашни жорий қилиш тартиби**

5. Рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар таркибидан маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари мазкур Қоидаларга мувофиқ:

а) тегишли маҳсулот гуруҳи учун белгиланган давр мобайнида рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган маҳсулотлар учун ёки мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган маҳсулотларни айланмага киритиш ва (ёки) уларнинг айланмаси ва (ёки) уларни айланмадан чиқариш билан боғлиқ бўлган маҳсулот айланмаси иштирокчиси мажбурияти юзага келган кундан бошлаб 7 календарь кун мобайнида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 30 календарь кундан кечиктирмай муддатда хусусий дастурий таъминотни маркировкалаш ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинувига тайёрлигини таъминлайди ва ўзаро ахборот алмашинувини синовдан ўтказиш учун Операторга ариза юборади;

в) маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтгандан кейин Операторга буюртмаларни бошқариш станцияси ва (ёки) чиқиб кетишни рўйхатдан ўтказиш қурилмаси тақдим этилишига аризани электрон шаклда юборади;

г) хусусий дастурий таъминот маркировкалаш ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинувига тайёр бўлган кундан бошлаб 60 календарь кундан кам бўлмаган муддатда расмий операторларнинг веб-сайтида жойлаштирилган маҳсулотлар маркировкаси, маҳсулотларни айланмага киритиш, уларни айланмадан чиқариш жараёни билан боғлиқ тартибга асосан хусусий дастурий таъминотни маркировкалаш ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашиш учун синовдан ўтказилади;

д) мазкур Қоидаларнинг 4-банди «а» — «г» кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширгандан кейин мазкур Қоидаларга мувофиқ маркировкалаш ахборот тизимига маҳсулотларнинг маркировкаланиши ҳамда маҳсулотларни айланмага киритиш, уларни айланмадан чиқариш тўғрисида маълумотларни киритади.

Рақамли идентификациялаш билан мажбурий маркировка қилиниши шарт бўлган маҳсулот айланмасининг бошқа иштирокчилари ушбу Қоидаларнинг 4-банди «а» — «е» кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатларни маркировкалашнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланган муддатларда тегишли маҳсулот гуруҳларини рақамли идентификациядан ўтказилади.

6. Оператор рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маҳсулотларнинг мажбурий маркировкаланишини жорий қилиш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

а) маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларига буюртмаларни бошқариш станцияларини, буюртмалар чиқиб кетишини рўйхатдан ўтказиш қурилмаларини, бундай асбоб-ускуналарни тақдим этишга (асбоб-ускуналарга киришга) маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларидан аризалар олинган кундан бошлаб 90 календарь кундан кеч бўлмаган муддатда мазкур Қоидалар билан кўзда тутилган шартларда тақдим этиш (тақдим этиш остида, жумладан, рақамли маркировкалаш тизимининг инфратузилмасига жойлаштирилган буюртмаларни бошқариш станциясига масофадан кириш тушунилади) (мазкур Қоидаларга ва маҳсулот гуруҳи учун рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маркировкалашнинг ўзига хос хусусиятларида шундай киришни тақдим этиш зарурати назарда тутилган тақдирда);

б) маркировкалаш ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинувига тайёрлик тўғрисидаги хабарнома маҳсулотлар айланмаси иштирокчисидан олинган

кундан бошлаб 30 календарь кундан кеч бўлмаган муддатда маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг ва маркировкалаш ахборот тизимининг дастурий таъминоти билан ўзаро ахборот алмашинувини синовдан ўтказишни ташкил этиш;

в) маҳсулотларни рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалайдиган маҳсулот айланмаси иштирокчиларига маҳсулот айланмаси иштирокчиси Операторга ушбу Қоидаларда назарда тутилган барча маълумотларни тақдим этган тақдирда, рақамли идентификациялаш воситаларини шакллантириш учун зарур бўлган маркировкалаш кодларини тақдим этиш.

### **3-боб. Маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг маркировкалаш ахборот тизими билан ахборот алмашинуви тартиби**

7. Маркировкалаш ахборот тизимига маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан маълумотларнинг тақдим этилиши маълумотларни юборишнинг стандарт протоколлари ва электрон ҳужжатларни (ариза, билдирги, квитанция ва ҳоказолар) алмашиш йўли билан Оператор томонидан ишлаб чиқилган ўзаро ахборот алмашинуви алоқа-техник дастурларининг қўлланилиши билан амалга оширилади, уларнинг шакллари Оператор томонидан белгиланади ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан маркировкалаш ахборот тизимига гуруҳланган қадок, транспорт қадоғи ёки маҳсулотлар тўплами тўғрисида маълумотларнинг тақдим этилиши маркировкалаш ахборот тизими маълумотлари бўйича шундай гуруҳланган қадок, транспорт қадоғи, ёки маҳсулотлар тўплами, ёки мувофиқ тарзда маҳсулотлар жамланмасида сақланувчи истеъмол қадоклари тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига юбориш билан бир хил ҳисобланади.

Маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан маркировкалаш ахборот тизимига агрегацияланган божхона коди тўғрисида маълумотларнинг тақдим этилиши маркировкалаш ахборот тизимининг маълумотлари бўйича шундай агрегацияланган божхона кодида сақланувчи истеъмол қадоклари тўғрисида маълумотларни уларга тақдим этилишига тенглаштирилади.

8. Маркировкалаш ахборот тизимига маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ йўналтирилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида акс эттирилиши шарт.

9. Оператор қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ҳужжатларнинг (жумладан, аризалар, билдиргилар) қабул қилинишини ёки маркировкалаш ахборот тизимига маълумотлар киритилишини маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига рад этади:

а) ҳужжатлар ёки маълумотлар ўрнатилган шаклга мувофиқ келмаганда, нотўғри маълумотларга эга бўлганда ёки мазкур Қоидалар билан кўзда тутилган мажбурий маълумотларни ўз ичига олмаганда;

б) ҳужжатлар ёки маълумотлар имзоланмаганда ёки ушбу ҳужжатлар ва маълумотларни имзолаш учун қонуний ҳуқуқларга ёки ҳужжатларни ёки маълумотларнинг шундай турини имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганда;

в) маҳсулот айланмаси иштирокчисига нисбатан юридик шахснинг фаолиятини тугатиш ёки жисмоний шахснинг яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятини тугатиш тўғрисида Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат рўйхатида ёзув мавжуд бўлганда.

10. Маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси у томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг маркировкалаш ахборот тизими томонидан қабул қилинганлиги, ёки

унга маълумотларни киритиш, ёки маркировкалаш ахборот тизими томонидан ҳужжатларнинг қабул қилиниши рад этилиши ёки унга қўйидаги маълумотларни сақловчи тегишли билдиргини (квитанцияни) юбориш йўли билан маълумотларни киритиш тўғрисида хабардор қилинади:

- а) маҳсулот айланмаси иштирокчиси ҳужжатининг рўйхатдан ўтиш рақами;
- б) билдирги (квитанция) рақами;
- в) билдирги (квитанция) санаси;

г) маҳсулотнинг идентификациялаш кодлари, маҳсулотлар тўпламларининг идентификациялаш кодлари, маҳсулотлар жамланмаларининг идентификациялаш кодлари, гуруҳланган қадокнинг идентификациялаш кодлари, ёки транспорт қадокнинг идентификациялаш кодлари, ёки агрегацияланган божхона кодлари;

д) маркировкалаш ахборот тизимида ҳужжатларни (маълумотларни) киритиш ёки уларни киритишни рад этиш сабаблари тўғрисида хабар.

11. Мазкур Қоидаларнинг 10-бандида кўрсатилган билдирги (квитанция) маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан ҳужжатлар тақдим этилганда ёки у томонидан маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни киритган кундан бошлаб 1 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимидаги шахсий кабинет ёки электрон почта орқали ўзаро ахборот алмашиш интерфейсларни қўллаш орқали маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига юборилади.

12. Маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан электрон ҳужжатларнинг тақдим этилиши ёки у томонидан маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларнинг киритилиши санаси этиб ҳужжатларни (маълумотларни) қабул қилиш тўғрисидаги билдиргида (квитанцияда) қайд этилган сана тан олинади.

Маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни киритиш бўйича мажбуриятларни бажариши далили маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни киритиш тўғрисидаги билдирги (квитанция) билан тасдиқланади.

Кўрсатиб ўтилган билдиргилар (квитанциялар) маркировкалаш ахборот тизимида автоматик шакллантирилади ва маркировкалаш ахборот тизимида юборилган ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) жойлаштирилишида маркировкалаш ахборот тизими ёрдамида маҳсулотлар айланмаси иштирокчисига электрон ҳужжат шаклида юборилади.

13. Агар мазкур Қоидаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Оператор ариза берувчига ҳамда маҳсулотни ариза берувчидан олган ёки маҳсулотни ариза берувчига топширган маҳсулотлар айланмасининг бошқа иштирокчиларига маркировкалаш ахборот тизимида ўзгартиришларни киритиш тўғрисида, агар бундай ўзгартиришларнинг киритилиши уларнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, билдиргини (квитанцияни) мажбурий юбориш билан ҳужжатларни ва маълумотларни олиш кунидан бошлаб 1 календарь кун давомида маркировкалаш ахборот тизимида маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ва маълумотларнинг жойлаштирилишини таъминлайди.

14. Маркировкалаш ахборот тизимида юборилган маълумотларнинг тўлиқлиги, ҳақиқийлиги ва ўз вақтида юборилиши учун жавобгарлик маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари зиммасига юкланади.

#### **4-боб. Маркировкалаш ахборот тизимида маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш**

15. Маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш учун маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари Оператор билан маркировкалаш ахборот тизимида улаш тўғрисида шартнома тузади, унинг шакли Оператор томонидан белгиланади ва

Операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Маркировка ахборот тизимида маҳсулотлар айланмаси иштирокчиларининг рўйхатдан ўтказилиши ва уларга маркировка ахборот тизимида шахсий кабинетга киришга рухсат бериш Операторга электрон шаклда маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Оператор томонидан амалга оширилади.

17. Маркировка ахборот тизимида рўйхатдан ўтишни амалга ошириш учун маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари маркировка ахборот тизимида қуйидаги маълумотларни сақловчи юридик шахснинг ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган рўйхатдан ўтиш тўғрисида мазкур Қоидаларга иловада келтирилган шаклда ариза юборади:

а) юридик шахс ҳисобланувчи маҳсулот айланмаси иштирокчисининг номланиши ёки яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланувчи маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда);

б) маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг фаолият тури (ишлаб чиқарувчи, улгуржи ёки чакана савдо ташкилоти, импорт қилувчи);

в) юридик шахс ҳисобланувчи маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг жойлашган жойи ёки яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланувчи маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг яшаш манзили;

г) маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

д) маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда), телефон рақами ва электрон почта манзили;

е) маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда);

ж) маркировка ахборот тизимидан хабарномалар юбориладиган маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг телефони рақами ва электрон почта манзили;

з) Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда Оператор томонидан белгиланган ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган бошқа тегишли маълумотлар.

18. Рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризининг формати Оператор томонидан белгиланади ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

19. Рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва уни текшириш ҳамда бундай текширишнинг натижалари ҳақида ариза берувчини хабардор қилиш ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида Оператор томонидан амалга оширилади.

20. Қуйидагиларга асосан маркировка ахборот тизимида ариза берувчини рўйхатдан ўтказиш рад этилади:

а) рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза имзоланмаган бўлса ёки маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси номидан уни имзолаш ваколатларига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланса;

б) электрон рақамли имзо олишда кўрсатилган солиқ тўловчининг идентификация рақами рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризадаги солиқ тўловчининг идентификация рақамига мос келмаса;

в) рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризани имзолаган шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми (мавжуд бўлганда) рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган фамилия, исм, отасининг исмига мос келмаса;

г) тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат рўйхатидаги маълумотларига кўра рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган ариза берувчи ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса, мос келмаса ёки кўрсатиб ўтилган рўйхатда унинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлса;

д) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ маҳсулотлар айланмаси иштирокчисидан талаб қилинадиган лицензия ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

е) рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ариза Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда Оператор томонидан белгиланган ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган тартибда тайёрланмаслиги, нотўғри маълумотларни сақлаши ёки мазкур Қоидалар билан кўзда тутилган мажбурий маълумотлар мавжуд эмаслиги;

ж) ариза берувчи маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтиб бўлган бўлса.

21. Ушбу Қоидаларнинг 20-бандида кўрсатилган бир ёки бир нечта асослар аниқланганлиги сабабли рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризани текширишнинг натижаси салбий бўлган тақдирда, Оператор ушбу Қоидаларнинг 19-бандида назарда тутилган муддат ичида маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган электрон почта манзилига рўйхатдан ўтишни рад етиш тўғрисида хабар юборади.

22. Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани текширишнинг натижаси ижобий бўлган тақдирда, Оператор ушбу Қоидаларнинг 19-бандида назарда тутилган муддатда маҳсулот айланмаси иштирокчисини маркировкалаш бўйича ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиши, унга шахсий кабинетга кириш ҳуқуқини беради ва рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган электрон почта манзилига рўйхатдан ўтиш тўғрисида хабар юборади. Маҳсулот айланмасининг турли иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш учун бир хил электрон почта манзилидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

23. Маҳсулот айланмаси иштирокчиси (ёки ваколатли шахс) электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда маркировкалаш ахборот тизимининг шахсий кабинетида авторизация қилинади.

24. Ушбу Қоидаларнинг 14-бандига мувофиқ маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтишда маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, маҳсулот айланмаси иштирокчиси тегишли маълумот ўзгарган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Операторга маълумотни ўзгартириш тўғрисида сўров юборади, унинг шакли Оператор томонидан тасдиқланган маркировкалаш ахборот тизимининг дастурий таъминотида, шу жумладан, шахсий кабинетдан фойдаланган ҳолда Операторнинг Интернет жаҳон ахборотдаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

25. Оператор маҳсулот айланмаси иштирокчиси маълумотни ўзгартириш тўғрисида сўров юборган кундан бошлаб 5 иш кунидан кўп бўлмаган муддат ичида маркировкалаш ахборот тизимидаги ўзгартирилган маълумотларни ва уларнинг ўзгаришини текширади, маҳсулот айланмаси иштирокчисига маълумотларнинг ўзгариши тўғрисида тегишли хабарномани ёки рад этиш сабабларини кўрсатиб, бундай маълумотни ўзгартириш мумкин эмаслиги тўғрисида хабарнома юборади.

26. Маҳсулот айланмаси иштирокчиси ушбу Қоидаларнинг 17-бандига мувофиқ маркировкалаш бўйича ахборот тизимида рўйхатдан ўтаётганда маҳсулот айланмаси

иштирокчиси томонидан кўрсатилган маълумотларни қуйидаги сабабларга кўра ўзгартиришни рад этади:

а) маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги сўров маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан имзоланмаган ёки имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

б) электрон рақамли имзони олишда кўрсатилган солиқ тўловчининг идентификация рақами маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги сўровда солиқ тўловчининг идентификация рақамига мос келмаса;

в) маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги сўровни имзолаган шахснинг фамилияси, исми ёки отасининг исми (агар мавжуд бўлса) маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги сўровда кўрсатилган фамилия, исм ёки отанинг исмига мос келмаса;

г) маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги сўровда тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрида ёки кўрсатилган реестрда келтирилган маҳсулот айланмасининг иштирокчисига оид маълумотларнинг йўқлиги ёки номувофиқлиги, унинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисида ёзув мавжуд бўлса;

д) маҳсулот айланмаси иштирокчисининг лицензияси ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжати борлиги тўғрисида маълумот етишмаслиги (Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда);

е) маълумотни ўзгартириш тўғрисидаги тақдим этилган сўров Оператор томонидан белгиланган форматни бузган ҳолда тайёрланган ёки нотўғри маълумотни ўз ичига олган бўлса.

## **5-боб. Маҳсулотларни маркировкалаш бўйича ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш**

27. Маркировкалаш ахборот тизимида муомалага киритилганлиги, рақамли идентификациялаш йўли билан мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган маҳсулотларнинг айланмаси ва муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш учун уларни маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан Операторга электрон шаклда тақдим этилган маълумотлар асосида амалга оширилади.

28. Маҳсулотларни рўйхатга олиш ахборот ёрлиғи тизимининг «Маҳсулотлар каталоги» тизими остида (кейинги ўринларда — маҳсулот каталоги) маҳсулот айланмасининг қуйидаги иштирокчилари томонидан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маҳсулотларни ишлаб чиқаришда — бундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи томонидан (шу жумладан, шартномавий ишлаб чиқариш ҳоллари);

б) маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқаришда — бундай маҳсулотларни импорт қилувчи томонидан (Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтгунча);

в) яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахслардан маҳсулот айирбошлаш иштирокчиси бўлганида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида комиссия шартномалари бўйича маҳсулотлар — комиссиянер томонидан;

г) маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш (реализация қилиш) билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун сотиб олган маҳсулотларни қайтаришда — маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан маҳсулотларни муомалага киритишда;

д) агар маҳсулот айланмаси иштирокчисининг ушбу турдаги маҳсулотларни рақамли идентификациялаш воситалари билан мажбурий маркировкалаш бошланган кундан бошлаб муомаладаги маҳсулотларнинг рақамли идентификациялаш йўли

билан белгиланмаган қолдиқлари бўлса, сотиш (реализация қилиш) шарти билан — маҳсулот айланмасининг ушбу маҳсулот айланишини амалга оширувчи иштирокчиси.

29. Маҳсулотларни маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатга ўтказишда маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан маҳсулотлар каталогига қуйидаги маълумотлар киритилади:

- а) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- б) маҳсулот коди (халқаро GS1 ассоциацияси қоидаларига мувофиқ маҳсулотга берилган логистик бирликларнинг бухгалтерия коди);
- в) маҳсулотнинг номланиши;
- г) маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича статистик таснифлагич коди;
- д) Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг маҳсулот номенклатураси коди;
- е) маҳсулотларнинг глобал классификатордаги коди (Global Product Classification, GPC);
- ж) маҳсулот белгиси (мавжуд бўлса);
- з) экспорт / реэкспорт мамлакати томонидан белгиланган тартибда ва шаклда ваколатли орган томонидан берилган сертификатга мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилган мамлакат; Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан — маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида кўрсаткич;
- и) қадоқ тури;
- к) қадоқнинг материали;
- л) техник регламент рақами (стандарт бўйича);
- м) маҳсулотнинг истеъмол тавсифи;
- н) қадоқлашнинг вазни ва ўлчамлари;
- о) маҳсулотнинг турли хил бурчакдаги фотосуратлари;
- п) Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда Оператор томонидан белгиланган ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган бошқа тегишли маълумотлар.

30. Маркировкалаш ахборот тизимида гуруҳланган қадоқлар, транспорт қадоқлари, маҳсулотлар тўплами ва маҳсулотлар тўпланини рўйхатдан ўтказиш учун маҳсулот айланмаси иштирокчиси маҳсулотлар каталогига қуйидаги маълумотларни киритади:

- а) гуруҳланган қадоқ, ёки транспорт қадоғи, ёки маҳсулотлар тўплами;
- б) бириктирилган маҳсулотнинг коди;
- в) маҳсулотнинг номи;
- г) вазн ва ўлчам хусусиятлари;
- д) турли бурчаклардан фотографик тасвирлар;
- е) Оператор томонидан аниқланган ва Операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилган бошқа маълумотлар.

31. Маркировкалаш ахборот тизимидаги маҳсулотларни, гуруҳли қадоқларни, транспорт воситаларини, маҳсулотларнинг тўпланини, маҳсулотларнинг тўпланини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни текширишнинг натижаси ижобий бўлган тақдирда, бундай маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш, ёки гуруҳли қадоқлаш, ёки транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади, ёки маҳсулотлар тўплами, ёки маҳсулотлар тўплами ва талабнома берувчига хабарнома (квитанция) юборилади.

#### **6-боб. Рақамли идентификациялаш воситаларининг хусусиятлари**

32. Маҳсулотларни маркировкалаш икки ўлчовли штрих-код шаклида рақамли идентификациялаш воситасини қўллаш учун мўлжалланган рақамли идентификациялаш воситасини (маркировка кодини машинада ўқиладиган шаклда) маҳсулотга, маҳсулотнинг қадоқлаш жойига ёки бошқа ахборот ташувчисига шакллантириш ва қўллаш орқали амалга оширилади.

33. Рақамли идентификациялаш воситаси 4 та маълумот гуруҳини ўзида жамлаган маркировка кодини ўз ичига олади, улардан биринчи ва иккинчи гуруҳлар истеъмолчилар пакетининг идентификациялаш кодини, ёки гуруҳланган қадоқнинг идентификациялаш кодини, ёки маҳсулот тўпламининг идентификациялаш кодини, ёки маҳсулот тўпламининг идентификациялаш кодини, шунингдек, учинчи ва тўртинчи гуруҳ шакллари ўз ичига тасдиқлаш кодини олади, бунда:

биринчи маълумотлар гуруҳи маҳсулот кодини ўз ичига олади ва Оператор томонидан ушбу Қоидаларнинг 5-бобига мувофиқ маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан киритилган маълумотлар асосида ишлаб чиқилади;

маълумотларнинг иккинчи гуруҳи маҳсулот бирлигининг индивидуал серия рақамини ўз ичига олади ва Оператор ёки маҳсулот айланмасининг иштирокчиси томонидан генерация қилинади;

учинчи маълумотлар гуруҳи тасдиқлаш калитининг идентификаторини ўз ичига олади ва Оператор томонидан яратилади;

тўртинчи маълумотлар гуруҳи тасдиқлаш кодини ўз ичига олади ва Оператор томонидан тақлид ҳимояси воситаларидан фойдаланган ҳолда генерация қилинади.

34. Рақамли идентификациялаш воситалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ИСО/МЭК 16022:2006 халқаро стандартига мувофиқлиги «Ахборот технологиялари. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Data Matrix штрих-кодининг симбологияси» (ISO/IEC 16022:2006 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Data Matrix bar code symbology specification»);

хатоларни аниқлаш ва тузатиш функцияси DataMatrix ECC200 га тенг ёки ундан яхшироқ;

ASCII кодлашдан фойдаланиш;

рақамли идентификаторнинг тахмин қилиш эҳтимоли жуда кам бўлиши, яъни барча ҳолларда 10000 дан 1 дан кам бўлиши керак.

### **7-боб. Маркировкалаш кодларини тақдим этиш қоидалари**

35. Рақамли идентификациялаш орқали маҳсулотларни маркировкалаш мақсадида маҳсулот айланмасининг иштирокчиси Операторга маркировкалаш кодларини олиш учун ариза юборади. Ушбу аризалар буюртмаларни бошқариш станциясидан фойдаланган ҳолда маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан юборилади.

36. Белгилаш кодларини олиш учун маҳсулот айланмасининг иштирокчиси Оператор билан маркировкалаш кодларини тақдим этиш бўйича шартнома тузади, унинг стандарт шакли Оператор томонидан тасдиқланади ва Операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

92. Ваколатли давлат бошқарув органи томонидан маълумотлар ўзгартирилганлиги тўғрисида хабар юборган маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг фаолияти текширилган даврда олдин маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан маркировкалаш учун тақдим этилган маҳсулотларнинг муомалага киритилиши, муомалага чиқарилиши ва муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларга оид ўзгартиришлар маркировкалаш ахборот тизимида киритилишига йўл қўйилмайди.

Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларига  
ИЛОВА

Ташкилот бланкаси

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш  
миллий ахборот тизими оператори  
«CRPT TURON»  
масъулияти чекланган жамиятга

**Маркировкалаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш бўйича  
АРИЗА**

1. Ариза берувчи

\_\_\_\_\_ (юридик шахснинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли)

2. Ариза берувчининг жойлашган ери: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (жойлашган ери, почта индекси, телефон рақами, факс ва бошқалар)

3. Ариза берувчининг банк реквизитлари \_\_\_\_\_

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиб беришингизни сўрайман:

Рўйхатдан ўтиш учун тегишли маълумотлар:

Корхонанинг электрон почтаси: \_\_\_\_\_

Корхонанинг телефон рақами: \_\_\_\_\_

Ташкилот раҳбарининг лавозими

(ИМЗО)

\_\_\_\_\_ (раҳбарнинг Ф.И.О.)

**«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига техник хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қуйидагиларни белгилайди:

а) Товарларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимини (кейинги ўринларда — маркировкалаш ахборот тизими) яратиш, ишлаб чиқиш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва фойдаланишдан чиқариш тартибини;

б) маркировкалаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни тақдим этиш ва ундан умумий фойдаланиш тартибини;

в) маркировкалаш ахборот тизимининг давлат органлари ахборот тизимлари ва рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировкаланиши керак бўлган товарлар айланмаси иштирокчиларининг (кейинги ўринларда — товарлар айланмаси иштирокчиси) ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини;

г) маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни шакллантириш тартибини.

2. Маркировкалаш ахборот тизимини яратишга эришиш маркировкалаш ахборот тизимининг қуйидаги функциялари орқали таъминланади:

а) товарларга ўзига хос маркировка кодларини бериш орқали маркировка қилинадиган ҳар бир товар бирлигини рақамли идентификациялашни таъминлашни;

б) маркировкалаш кодларининг марказлашган генерацияси орқали товарнинг маркировкалаш коди ҳимоясини таъминлаш;

в) рақамли идентификация воситалари ёрдамида маркировкаланган товарлар айланмасини барча босқичларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилишидан ёки олиб кирилишидан бошлаб чакана савдога чиқарилгунича назорат-касса техникасини қўллаган ҳолда ёки товарнинг айланмадан бошқача чиқарилишигача мониторинг қилиш имкониятини таъминлаш;

г) таҳлилий маълумотларни шакллантириш имкониятини таъминлаш;

д) рақамли идентификация воситаларининг ҳаққонийлигини текшириш;

е) давлат бошқарув органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

ж) маркировкалаш ахборот тизимига товарлар айланмаси иштирокчилари томонидан киритиладиган маълумотларнинг юридик аҳамиятини таъминлаш;

з) рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировкаланиши керак бўлган товарларнинг каталогини шакллантириш ва юритиш;

и) маркировкалаш ахборот тизимини қўллаш орқали рақамли идентификация воситалари ёрдамида товарларни маркировкалаш соҳасида нодавлат назоратини амалга ошириш имкониятини таъминлаш;

к) Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функциялар.

**2-боб. Маркировкалаш ахборот тизимининг тузилмаси**

3. Маркировкалаш ахборот тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) умумий компонентлар:  
товарлар айланмаси иштирокчиларидан келиб тушадиган ҳужжатларни сақлаш ва уларга ишлов бериш компоненти;  
маркировкалаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш компоненти;  
маркировкалаш ахборот тизими иштирокчилари ва Маркировкалаш ягона тизимидан бошқа фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни сақлаш компоненти;  
маркировкалаш ахборот тизими иштирокчиси ва Маркировкалаш ягона тизимидан бошқа фойдаланувчиларнинг шахсий кабинети таркибидаги маълумотларга кириш учун рухсатнома компоненти;  
маркировкалаш ахборот тизими иштирокчилари ва Маркировкалаш ягона тизимидан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳисобга олиш ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш учун дастурий интерфейслар компоненти;  
товарлар айланмаси иштирокчилари учун маркировкалаш кодларини шакллантириш хизмати ҳисоб-китоби ва тўловларни олиш компоненти;  
маркировкалаш кодлари эмиссияси компоненти;  
меъёрий-ахборот маълумотларини юритиш компоненти;  
Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ учинчи мамлакатлардан маркировкаланган товарлар олиб кирилиши тўғрисидаги билдиришномаларни рўйхатга олиш ва уларга ишлов бериш компоненти;  
Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фискал ҳужжатларни рўйхатга олиш ва уларга ишлов бериш компоненти;  
электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси тасдиқловчи марказининг ишлашини таъминлаш компоненти;  
Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ айланма иштирокчилари ва фойдаланувчиларни рўйхатга олиш компоненти;  
Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ товарлар реестрини юритиш компоненти;
- б) тармоқ компонентлари (рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировкалаш киритилувчи барча товарлар ёки товарлар гуруҳларига нисбатан);
- в) Ўзбекистон Республикаси товарлари каталогининг кичик тизими;  
г) нодавлат назоратини таъминлашнинг кичик тизими;  
д) таҳлил қилиш кичик тизими;  
е) давлат ҳокимият органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш кичик тизими;  
ж) ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни ҳимоялаш кичик тизими;  
з) ўзаро ҳамкорлик ва ахборот кўмаги кичик тизими.

### **3-боб. Маркировкалаш ахборот тизимининг иштирокчилари**

4. Қўйидагилар маркировкалаш ахборот тизимининг иштирокчилари ҳисобланади:

- а) маҳсулотларни маркировкалаш ва қузатиб бориш миллий ахборот тизимининг оператори (кейинги ўринларда — оператор);  
б) Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — мувофиқлаштирувчи);  
в) товарлар айланмаси иштирокчилари;  
г) назорат қилувчи органлар;  
д) маркировкалаш ахборот тизими фойдаланувчилари.

5. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировкагани керак бўлган товарларнинг сотиб олиниши ва сотилиши билан боғлиқ бўлган савдо фаолиятини амалга оширувчи хўжалик субъектлари ҳамда рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировкагани керак бўлган товарларнинг етказиб берилишини амалга оширувчи хўжалик субъектлари, жумладан, рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мажбурий маркировкагани керак бўлган товарларни айланмага киритилиши, айланмаси ва (ёки) уларнинг айланмадан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларнинг операторга тақдим этилишини амалга оширувчи ушбу товарларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳамда импорт қилувчилари товарлар айланмаси иштирокчилари ҳисобланади.

6. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида маркировкагани керак бўлган товарлар айланмаси соҳасида назорат қилиш бўйича маркировкалаш ахборот тизимини қўллаш билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи давлат бошқарув органлари назорат қилувчи органлар ҳисобланади.

7. Маркировкалаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, давлат бошқарув органлари маркировкалаш ахборот тизими фойдаланувчилари ҳисобланади.

#### **4-боб. Маркировкалаш ахборот тизимини яратиш, ривожлантириш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва фойдаланишдан чиқариш қоидалари**

8. Маркировкалаш ахборот тизимини яратиш, ривожлантириш, ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва фойдаланишдан чиқариш оператор орқали амалга оширилади.

9. Маркировкалаш ахборот тизимини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш қўйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

а) маркировкалаш ахборот тизимини қўллаш орқали қабул қилинадиган ва узатиладиган маълумотларнинг тўлиқлигини, ҳаққонийлигини, сақланганлигини таъминлаш;

б) маркировкалаш ахборот тизими ташкилий-услубий таъминотининг ягоналиги;

в) маркировкалаш ахборот тизимининг ягона реестрларининг, классификаторларининг ва маълумотномаларининг қўлланилиши;

г) маркировкалаш ахборот тизимида аниқ белгиланган киришни таъминлаш;

д) маркировкалаш ахборот тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

10. Маркировкалаш ахборот тизимини яратишга техник топшириқ оператор томонидан ишлаб чиқилади ва мувофиқлаштирувчи томонидан тасдиқланади.

11. Мониторинг ахборот тизимини ишга тушириш далолатномаси оператор томонидан тасдиқланади.

12. Мониторинг ахборот тизимини ишга тушириш маркировкалаш ахборот тизимининг кичик тизимлари (компонентлари) ва умуман, маркировкалаш ахборот тизими бўйича амалга оширилади.

13. Оператор томонидан тасдиқланадиган ишга тушириш далолатномаси маркировкалаш ахборот тизимини ишга тушириш учун асос ҳисобланади.

14. Маркировкалаш ахборот тизими, агар маркировкалаш ахборот тизимини ишга тушириш далолатномаси билан бошқа муддат ўрнатилмаган бўлса, унинг биринчи кичик тизими фойдаланишга топширилган кундан бошлаб ишга туширилган деб ҳисобланади.

15. Маркировкалаш ахборот тизимининг, жумладан, унинг тизимости компонентларининг дастурий ва техник воситалари қўйидагиларни таъминлаши керак:

а) маркировкалаш ахборот тизими функцияларини амалга оширишни;

б) маркировка ахборот тизимининг, шу жумладан, унинг кичик тизимларининг (компонентларининг) туну-кун узлуксиз ишлашени, режали ва технологик ишларга танаффуслар бундан мустасно;

в) маркировка ахборот тизимининг, шу жумладан, унинг кичик тизимларининг (компонентларининг) бошқа ахборот тизимлари, хусусан, давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлигини;

г) давлат сирини ташкил қилмайдиган ахборотларни ҳимоя қилиш тўғрисида белгиланган талабларга мувофиқ маркировка ахборот тизимида, шу жумладан, унинг кичик тизимларида (компонентларида) сақланадиган ахборотларни ҳимоя қилишни;

д) тузилмавий кўринишда маркировка ахборот тизимида жойлаштириладиган маълумотларни автоматик формат-мантқиқ текширишни;

е) маркировка ахборот тизимида жойлаштириладиган маълумотларни тўплаш, тайёрлаш, узатиш, уларга ишлов бериш ва уларни акс эттириш бўйича технологик операцияларнинг таркибини унификациялашни;

ж) маркировка ахборот тизимида ҳаракатларни ва амалиётларни бажариш санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда маълумотларни шакллантириш, жойлаштириш, ўзгартириш, улар билан алмашиш ва уларни олиб ташлаш, уларнинг мазмуни тўғрисида маълумотларни ва бундай ҳаракатларни ва амалиётларни амалга оширган, жумладан, маркировка ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро ахборот ҳамкорлиги жараёнида ҳам ҳаракатларни ва амалиётларни амалга оширган маркировка ахборот тизими иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни сақловчи ҳаракатлар ва амалиётларни ҳисобга олиш электрон журналлари юритилишини (кейинги ўринларда — ҳисобга олиш электрон журнали);

з) маркировка ахборот тизими иштирокчиларининг сўровлари бўйича бажарилган ҳисобга олиш электрон журналдан кўчирмалар шакллантирилишини;

и) маркировка ахборот тизими иштирокчиларининг сўровлари бўйича бажарилган ҳисобга олиш электрон журналдан статистик маълумотлар шакллантирилишини;

к) маълумотларни тақдим этиш ва (ёки) олиш муддатлари ҳамда сифатининг бузилишига сабаб бўладиган маркировка ахборот тизими ишидаги узилишлар ва бузилишлар ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши тўғрисида маркировка ахборот тизими иштирокчиларини хабардор қилиш;

л) маркировка ахборот тизими иштирокчилари томонидан қўлланиладиган маркировка ахборот тизимидаги меъёрий-маълумотнома, жумладан, маълумотномалар, реестрлар ва классификаторларнинг ягоналигини.

16. Маркировка ахборот тизимининг техник воситалари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жойлаштирилиши керак.

17. Маркировка ахборот тизимида маълумотларни шакллантириш, уларга ишлов бериш ва улар билан алмашишда электрон ҳужжатлар шакллари қўлланилади, улар мувофиқлаштирувчи ҳамда ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат бошқарув органлари билан келишиш бўйича оператор томонидан ўрнатилади.

Маркировка ахборот тизимида маълумотларни шакллантириш ва улар билан алмашишда электрон рақамли имзолар қўлланилади (агар мумкин бўлса).

18. Маркировка ахборот тизими оператор томонидан ишлаб чиқилладиган ва мувофиқлаштирувчи томонидан тасдиқланадиган маркировка ахборот тизимини ривожлантириш бўйича техник топшириқлар ва алоҳида хусусий техник топшириқлар асосида ривожлантирилади.

## **5-боб. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларга киришга рухсатномани таъминлаш тартиби**

19. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларга кириш рухсати ҳақ-ҳуқуқларни чекламайдиган ва бегараз асосда оператор томонидан таъминланади.

20. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларга киришга рухсатнома оператор томонидан қуйидаги усуллар билан таъминланади:

а) маркировка ахборот тизими иштирокчисининг ёзма шаклда шакллантирилган сўровига жавобан электрон ҳужжатлар шаклида;

б) маркировка ахборот тизими иштирокчиларининг маркировка ахборот тизими дастурий воситаларидан фойдаланилган ҳолда шакллантирилган сўровига жавобан маркировка ахборот тизимида;

в) маркировка ахборот тизими ва давлат бошқарув органларининг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишда электрон интерфейсларни қўллаш билан;

г) давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар билан, жумладан шахсий кабинетни қўллаш билан оператор томонидан тузилган ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим билан мувофиқликда маркировка ахборот тизими ва товарлар айланмаси иштирокчилари ахборот тизимлари ёки давлат органларининг ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларини қўллаш билан автоматлаштирилган тартибда;

д) Интернет жаҳон ахборот тармоғида операторнинг расмий веб-сайтидаги маркировка ахборот тизимида сақланадиган умумий маълумотларни жойлаштириш йўли билан.

21. Товарлар айланмаси иштирокчисига қуйидаги маълумотларга кириш учун рухсатнома таъминланади:

а) ушбу товар айланмаси иштирокчиси томонидан амалга оширилган маркировкаланган товар билан битим тўғрисида маълумот;

б) умумий маълумотларга тааллуқли маълумотлар.

22. Маркировка ахборот тизимида рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчига мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, товар эгаси ва унинг миқдори тўғрисидаги маълумот қисмида шундай ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган товарлар айланмаси тўғрисидаги маълумотларга кириш учун рухсатнома таъминланади.

23. Товарлар истеъмолчиларига умумий маълумотларга киритилган маълумотларга кириш учун рухсатнома таъминланади.

24. Давлат бошқарув органларига улар томонидан амалга ошириладиган мақсадларда қуйидаги маълумотларга кириш учун рухсатнома таъминланади:

а) мазкур Низом билан белгиланган мақсадларда давлат бошқарув органларига юкланган вазифаларни ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган товарлар айланмаси иштирокчилари, товарлар ва уларнинг айланмаси тўғрисидаги маълумотлар;

б) товарлар ва уларнинг айланмаси тўғрисидаги статистик маълумотлар;

в) умумий маълумотларга тааллуқли маълумотлар.

25. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган ва давлат бошқарув органлари томонидан фойдаланишга рухсат бериладиган маълумотлар таркиби оператор томонидан давлат бошқарув органлари ва мувофиқлаштирувчи билан тузилган ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимларда белгиланади.

## **6-боб. Маркировкакаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни тақдим этиш тартиби ва уларни умумий маълумотларга киритиш**

26. Оператор Интернет жаҳон ахборот тармоғида умумий маълумотларни жойлаштиришда қуйидагиларни таъминлайди:

а) операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида умумий маълумотларни жойлаштириш;

б) умумий маълумотлар таҳлили учун мўлжалланган, жумладан, навигация функциясини қўллаш орқали таснифланган ва тизимлаштирилган излаш воситасини қўллаш.

27. Мувофиқлаштирувчи ва давлат бошқарув органлари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида расмий веб-сайтига ҳаволаларни жойлаштирилишини таъминлайди. Кўрсатиб ўтилган давлат бошқарув органлари, шунингдек, маркировкакаш ахборот тизимидан бевосита умумий маълумотларни Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз расмий веб-сайтларида жойлаштиришлари ҳам мумкин.

28. Маълум товарлар ёки товарлар гуруҳлари учун умумий маълумотлар таркибига (атрибутиларига), уларни жойлаштириш даврийлигига ва янгилаш муддатларига талаблар оператор томонидан белгиланади.

29. Маркировкакаш ахборот тизимида сақланадиган ва кириш чекланган маълумотлар маркировкакаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги сўров бўйича маркировкакаш ахборот тизими иштирокчиларига оператор томонидан тақдим этилади.

30. Маълумот тўғрисидаги сўров маркировкакаш ахборот тизимига юборилади ва келиб тушган куни рўйхатга олиш рақамини бериш орқали оператор томонидан рўйхатдан ўтказилиши керак. Оператор маълумот тўғрисида келиб тушган сўровнинг мазмунини бўйича аниқлаштиришни сўраб олишга ҳақли.

31. Давлат бошқарув органлари ўз раҳбарининг (мансабдор шахснинг бошқа ваколатли шахсининг) электрон имзоси билан имзоланган маълумот тўғрисида электрон ҳужжат шаклидаги сўровни юборади.

32. Товарлар айланмаси иштирокчилари товарлар айланмаси иштирокчиси раҳбарининг (мансабдор шахснинг бошқа ваколатли шахсининг) электрон имзоси билан имзоланган маълумот тўғрисида электрон ҳужжат шаклидаги сўровни юборади.

Маълумот тўғрисидаги сўровда жисмоний шахснинг (якка тартибдаги тадбиркорлар учун) почта манзили, телефон ва (ёки) факс рақами ёки электрон почта манзили, фамилияси, исми ва отасининг исми (агар мавжуд бўлса) ёки маълумотни сўраётган ташкилот (юридик шахслар учун), давлат бошқарув органининг номи ҳамда сўралаётган маълумотлар рўйхати кўрсатилади.

33. Маълумот тўғрисидаги сўровда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу маълумотни олиш учун асослар, маълумот тўғрисида сўров юборувчиларнинг мажбуриятлари ва улар томонидан ахборот хавфсизлигининг таъминланиши бўйича шартлар кўрсатилади.

34. Маълумот тўғрисидаги сўровга жавоб мажбурий рўйхатдан ўтказилиши ва маълумот тўғрисидаги сўров рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 иш куни давомида маркировкакаш ахборот тизими иштирокчисига оператор томонидан юборилиши керак.

35. Маълумот тўғрисидаги сўровга жавоб операторнинг электрон имзоси билан имзоланган электрон ҳужжат шаклида давлат бошқарув органларига юборилади.

36. Маълумот тўғрисидаги сўровга жавоб оператор томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон ҳужжат шаклида маркировкакаш ахборот

тизими иштирокчисига маркировкалаш ахборот тизимида ёки маълумот тўғрисида сўровда кўрсатилган электрон почта манзилига юборилади.

37. Оператор маркировкалаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни маркировкалаш ахборот тизими иштирокчиларига тақдим этишни қуйидаги ҳолатларда рад этиш ҳуқуқига эга:

а) маълумот тўғрисидаги сўров ушбу Низомнинг талабларига мувофиқ келмаганда;

б) сўралаётган маълумот маркировкалаш ахборот тизимида сақланмаганда;

в) маълумот тўғрисидаги сўров Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай маълумотларга кириш учун рухсатномага эга бўлмаган маркировкалаш ахборот тизими иштирокчиси томонидан юборилганда;

г) маълумот тўғрисидаги сўров маркировкалаш ахборот тизими иштирокчисининг сўрови такрорланган, унинг сўровига сўралаётган маълумотларни сақловчи томонидан олдин жавоб берилганда.

38. Маълумот тўғрисидаги сўровга маълумот тақдим этилиши рад этилган тақдирда, оператор томонидан сўралаётган маълумот тақдим этилмаслиги бўйича асослар кўрсатилади.

39. Агар маълумот тўғрисидаги сўровда кўрсатилган маълумот операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилган бўлса, оператор томонидан маълумот тўғрисидаги сўровга бундай маълумот жойлаштирилган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтга (веб-сайт манзилига) ҳавола кўрсатилади.

### **7-боб. Маркировкалаш ахборот тизимининг давлат органларининг ахборот тизимлари ва товарлар айланмаси иштирокчиларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби**

40. Мазкур Низомда маркировкалаш ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик қилиши деганда ахборот тизимларида, маркировкалаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни олиш, автоматлаштирилган тартибда жойлаштириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, маркировкалаш ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни бошқа ахборот тизимларига тақдим этиш тушунилади.

41. Маркировкалаш ахборот тизимининг давлат органларининг ахборот тизимлари ва товарлар айланмаси иштирокчиларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий сайтида жойлаштириладиган ўзаро электрон ҳамкорлик протоколларини ва интерфейсларини қўллаш орқали ахборот электрон хизматлар ёрдамида амалга оширилади.

42. Ташкилотнинг кўрсатиб ўтилган ахборот техник имкониятлари мавжуд бўлмаган тақдирда, оператор давлат бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим тузади ва унда қуйидагиларни белгилаб беради:

а) маркировкалаш ахборот тизимининг давлат органларининг ахборот тизимлари билан, жумладан, шахсий кабинетни қўллаш орқали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш хусусиятларини;

б) маълумотлар таркиби, улар билан алмашишни маркировкалаш ахборот тизимининг давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишида амалга ошириш тўғрисидаги таклиф;

в) маркировкалаш ахборот тизимидан ҳисоботларни тақдим этиш шаклларини.

43. Маркировкалаш ахборот тизими давлат органларининг ахборот тизимларига бегараз асосда уланади.

44. Маркировка ахборот тизимининг давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги қуйидагича амалга оширилади:

а) мувофиқлаштирувчи билан келишиш мақсадида маркировка ахборот тизимига киритиш учун оператор томонидан тасдиқланадиган маълумотларни тақдим этиш шакллари бўйича;

б) маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги сўровларни йўналтирмасдан, автоматик ёки автоматлаштирилган тартибда;

в) электрон рақамли имзони қўллаш орқали (агар қўлланилса).

45. Маркировка ахборот тизими давлат органларининг ахборот тизимлари, жумладан, қуйидагилар билан ўзаро ҳамкорлик қилади:

а) тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестри;

в) божхона органларининг ахборот тизимлари.

46. Маркировка ахборот тизимининг давлат органлари ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишида, ахборот ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар ҳамда электрон рақамли имзо билан имзоланган (агар қўлланилса) кўринишда узатилади.

47. Маркировка ахборот тизими давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши жараёнида қўлланиладиган ҳужжатлар шакллари операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

48. Маркировка ахборот тизимининг товарлар айланмаси иштирокчиларининг ахборот тизимлари билан ўзаро ҳамкорлиги электрон ўзаро ҳамкорлик протоколлари ва интерфейсларидан фойдаланган ҳолда ахборот электрон сервислар орқали амалга оширилади ҳамда улар ҳақида маълумотлар оператор томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

### **8-боб. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни ҳимоя қилиш**

49. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотлар эгасининг қонуний ҳуқуқларини оператор амалга оширади.

50. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қилиниши керак.

51. Маркировка ахборот тизимини яратиш, ишга тушириш ва ривожлантириш давомида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилади:

а) маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни ҳимоя қилишга нисбатан талабларни шакллантириш;

б) ахборот хавфсизлиги ва маълумотларни ҳимоя қилиш тизимини (кичик тизим) ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

в) маълумотларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш ҳамда маркировка ахборот тизимининг маълумотларни ҳимоя қилиш талабларига мувофиқ келишини сертификатлаш;

г) маълумотларни ҳимояланган ахборот-телекоммуникация тармоқлари орқали узатиш;

д) маркировка ахборот тизимидан фойдаланиш давомида маълумотларни ҳимоя қилиш талабларини бажариш.

52. Маркировка ахборот тизимида сақланадиган маълумотларни ҳимоя қилиш мақсадида оператор қуйидагиларни таъминлайди:

- а) маълумотларга рухсатсиз киришни ва (ёки) ушбу маълумотларга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга бундай маълумотлар узатилишининг олдини олиш;
- б) маълумотларга рухсатсиз кириш асосларини ўз вақтида аниқлаш;
- в) маълумотларга кириш тартибини бузишнинг салбий оқибатларининг олдини олиш;
- г) техник воситалар фаолиятига таъсир этишнинг салбий оқибатлари натижасида маркировкалаш ахборот тизимида жойлаштирилган техник воситалар бузилишига йўл қўймаслик;
- д) маълумотларга рухсатсиз кириш натижасида модификация қилинган ёки ўчириб юборилган маълумотларни зудлик билан тиклаш имконияти;
- е) маълумотларнинг ҳимояланганлик даражаси таъминланишининг доимий назорати;
- ж) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузишда маркировкалаш жараёнида ахборот тизимидаги маълумотларни ҳимоя қилиш мақсадида «Ахборотлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқликни таъминлаш.

### **9-боб. Маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни шакллантириш тартиби**

53. Маркировкалаш ахборот тизимида узатиладиган маълумотлар шакллари оператор томонидан белгилаб бериладиган ва электрон рақамли имзо (агар қўлланилса) билан имзоланадиган электрон ҳужжатлар шаклида шакллантирилади ҳамда тақдим этилади, назорат-касса техникаси ёки буюртмаларни бошқариш станциялари ва эмиссияларни рўйхатга олиш қурилмаларини қўллаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фискал ҳужжатлар таркибида узатиладиган маълумотлар бундан мустасно.

54. Мазкур Низомнинг 53-бандида кўрсатилган электрон ҳужжатлар шакллари операторнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида оператор томонидан жойлаштирилади.

55. Ҳужжатни қабул қилиш ҳақидаги хабарномада (квитанцияда) қайд этилган сана маркировкалаш ахборот тизимида ҳужжатларни тақдим этиш санаси деб тан олинади. Товарлар айланмаси иштирокчиси томонидан маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни тақдим этиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилганлиги маркировкалаш ахборот тизимида маълумотларни киритиш ҳақидаги хабарнома (квитанция) билан тасдиқланади.

Мазкур бандда назарда тутилган хабарнома (квитанция) автоматик равишда шакллантирилади ва маркировкалаш ахборот тизимида тақдим этилган ҳужжатларни (маълумотларни) қайд этишда электрон ҳужжат шаклида маркировкалаш ахборот тизимининг товарлар айланмаси иштирокчисига юборилади.

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### **Рақамли маркировкалаш ва товарларни кузатиш миллий ахборот тизимида сақланувчи маълумотларни мажбурий тартибда ўз ичига киритиши керак бўлган маълумотлар**

#### **РЎЙХАТИ**

1. Рақамли маркировкалаш ва товарларни кузатиш Миллий ахборот тизимида (кейинги ўринларда — маркировкалаш ахборот тизими) рўйхатга олинган рақамли

идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилинишини керак бўлган товарлар айланмаси иштирокчилари тўғрисида маълумотлар.

2. Маркировкакаш ахборот тизимида «Товарлар каталоги» кичик тизимида рўйхатга олинган рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарлар тўғрисида маълумотлар.

3. Маркировкакаш ахборот тизими билан маълумот алмашилиши учун рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарлар айланмаси иштирокчилари томонидан қўлланилувчи техник воситалар тўғрисида маълумотлар.

4. Оператор томонидан маркировкакаш кодларини шакллантириш (генерациялаш) тўғрисида маълумотлар.

5. Товарлар айланмаси иштирокчилари томонидан маркировка кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартириш ва товарларга рақамли идентификация воситаларининг туширилиши тўғрисида маълумотлар.

6. Яроқсиз рақамли идентификация воситалари тўғрисида маълумотлар.

7. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарларни айланмага киритиш, уларнинг айланмаси ва уларнинг айланмадан чиқарилиши тўғрисида маълумотлар.

8. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарлар айланмаси тўғрисида маълумотларни сақловчи электрон ҳисоб-фактураларидан маълумотлар.

9. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировка қилиниши керак бўлган товарларни сотиш ҳақидаги маълумотларни сақловчи касса чеклари ва қатъий ҳисобот шаклларида маълумотлар.

10. Рақамли идентификация воситалари ёрдамида товарларни маркировка қилиш қоидаларининг бузилиши ушбу товарларнинг истеъмолчилари томонидан аниқланиши тўғрисида маълумотлар.

«Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкакаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

## **Рақамли маркировкакаш ва товарларни кузатиш миллий ахборот тизимида сақланувчи умумий маълумотлар**

### **РЎЙХАТИ**

1. Рақамли маркировкакаш ва товарларни кузатиш миллий ахборот тизимида (кейинги ўринларда — маркировкакаш ахборот тизими) рўйхатдан ўтказилган рақамли идентификация воситалари ёрдамида мажбурий маркировкакаш қилиниши керак бўлган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ умумий фойдаланиш учун Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилиши шарт бўлган товарлар айланмаси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар.

2. Маркировкакаш ахборот тизимида рўйхатдан ўтказилган товарлар қадокларида, жумладан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кўрсатилган мажбурий идентификация воситалари ёрдамида маркировка қилиниши керак бўлган товарлар тўғрисида маълумотлар.

3. Маркировкакаш ахборот тизимида рақамли идентификациялаш воситаларини товарларга, товарларнинг қадокларига ёки рақамли идентификация воситаларини қўллаш учун мўлжалланган бошқа моддий ташувчига қўлланилиши

тўғрисидаги маълумотлар мавжудлиги ёки бундай маълумотларнинг йўқлиги тўғрисида маълумот.

**Тамаки маҳсулотларини рақамли идентификация воситалари билан  
маркировкалаш хусусиятлари тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом рақамли идентификациялаш воситалари билан тамаки маҳсулотларини маркировкалаш хусусиятларини, тамаки маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситаларининг хусусиятлари, тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан Маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими операторига (кейинги ўринларда — оператор, маркировкалаш ахборот тизими) тамаки маҳсулотлари айланмаси тўғрисидаги маълумотни тақдим этишнинг босқичлари ва муддатларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**агрегациялаш** — яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғининг идентификациялаш коди билан ҳар бир жойлаштирилган истеъмол қадоғи, гуруҳланган қадоқ, транспорт қадоғининг идентификациялаш кодларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотни сақловчи яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғига босиб тушириш билан истеъмол қадоғини биринчи даража гуруҳланган қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига ҳамда биринчи даража транспорт қадоқларининг кейинги даража транспорт қадоғига маҳсулотларни бирлаштириш жараёни;

**ёрлиқ** — ёзувлар, тасвирлар, белгилар, рамзлар, бошқа белгиланишлар ва (ёки) уларнинг мажмуаси кўринишида маҳсулот тўғрисидаги маълумотни туширувчи ва қадоққа, жумладан, ёпиштириш йўли билан маҳкамланувчи маълумотни ташувчи.

3. Тамаки маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситалари билан мажбурий маркировкалаш истеъмол учун ва гуруҳланган қадоқда сотиладиган тамаки маҳсулотларининг қуйидаги турларига нисбатан амалга оширилади:

- а) филтрли сигаретлар;
- б) филтрсиз сигаретлар.

Тамаки маҳсулотларининг турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 февралдаги 74-сон қарори билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари тўғрисидаги умумий техник регламент (UzTR.74-031:2019) билан белгилаб берилади.

4. Тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар:

а) тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш билан шуғулланувчиларда тамаки маҳсулотларини фойдаланишга киритиш ва (ёки) фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилари ва импорт қилувчилари 2020 йил 31 декабр гача ёки 2020 йил 31 декабрдан кейин мазкур фаолиятни амалга оширилиши зарурати юзага келган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб кириладиган тамаки маҳсулотлари номенклатураси тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади;

б) истеъмол ва гуруҳланган қадоқларга рақамли идентификациялаш воситалари туширилишини, шунингдек, тамаки маҳсулотларини агрегациялашни таъминлайди ва маркировкалаш ахборот тизимига:

филтрли сигаретлар — 2021 йил 1 январдан;

филътрсиз сигаретлар — 2021 йил 1 декабрдан бошлаб маркировкаланганлиги ва агрегацияланганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади.

в) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (улгуржи савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқларнинг сотувдан чиқарилишини:

филътрли сигаретларни — 2021 йил 1 июлга қадар;

филътрсиз сигаретларни — 2022 йил 1 февралга қадар таъминлайди.

г) тамаки маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига:

филътрли сигаретлар бўйича — 2021 йил 1 октябрдан;

филътрсиз сигаретлар бўйича — 2022 йил 1 мартдан бошлаб киритилишини таъминлайди.

5. Рақамли идентификациялаш воситаларини шакллантириш ва уларнинг тамаки маҳсулотларининг истеъмол учун ва гуруҳланган қадоқларига туширилиши учун зарур бўлган маркировкалаш кодларини бериш учун тўловлар 2021 йил 1 январдан бошлаб оператор томонидан ундирилади.

6. Тамаки маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб оладиган тамаки маҳсулотларининг улгуржи савдоси ташкилотлари:

а) тамаки маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан сотиб олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи савдоси ташкилотлари 2021 йил 1 февралгача ёки 2021 йил 1 февралдан кейин мазкур фаолиятни амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб олишга доир маълумотларни:

филътрли сигаретларни — 2021 йил 1 октябрдан;

филътрсиз сигаретларни — 2022 йил 1 мартдан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

в) маҳсулот айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни:

филътрли сигаретларни — 2021 йил 1 январдан;

филътрсиз сигаретларни — 2022 йил 1 апрелдан бошлаб маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

г) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқларини сотилишини (чакана савдога) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқларни:

филътрли сигаретларни — 2021 йил 1 октябрга қадар;

филътрсиз сигаретларни — 2022 йил 1 июнга қадар сотувдан чиқарилишини таъминлайди.

7. Тамаки маҳсулотлари айланмасининг чакана савдосини амалга оширувчи иштирокчилар:

а) тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси 2021 йил 31 мартгача ёки 2021 йил 31 мартдан кейин тамаки маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолиятни амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) тамаки маҳсулотларининг:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб филътрли сигаретлар;

2022 йил 1 июндан бошлаб филътрсиз сигаретлар чакана савдоси бўйича маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

в) тамаки маҳсулотлари:

2022 йил 1 январдан бошлаб филтърли сигаретлар;

2022 йил 1 декабрдан бошлаб филтърсиз сигаретлар айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

г) маркировкаланмаган тамаки маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (охирги истеъмолчига) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган:

2022 йил 1 январга қадар филтърли сигаретлар;

2022 йил 1 декабрга қадар филтърсиз сигаретлар қолдиқларини сотувдан чиқарилишини таъминлайди.

8. 2021 йил 1 январга қадар оператор тақдим этган маркировкалаш кодларидан тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан қайта ўзгартирилган рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкаланган тамаки маҳсулотлари тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчиларидан 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича рақамли идентификациялаш воситаларини шундай тамаки маҳсулотларига тушириш тўғрисида олинган маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида оператор томонидан акс эттирилиши шарти билан тегишли равишда маркировкаланган деб тан олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филтърли сигаретларга рақамли идентификациялаш воситалари туширмасдан ҳамда тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига юбормасдан 2021 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2021 йил 1 январдан кейин ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини чакана сотилиши фақат уларнинг чакана сотилиши тўғрисида маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига киритилганда йўл қўйилади.

2021 йил 1 январгача ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини чакана савдосига 2022 йил 1 январгача рухсат этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филтърсиз сигаретларни рақамли идентификациялаш воситалари туширмасдан ҳамда тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига юбормасдан 2021 йил 1 декабрдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2021 йил 1 декабрдан кейин ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана савдосига фақат маркировкалаш ахборот тизимига уларнинг чакана савдоси тўғрисидаги маълумотларни узатиш шартли билан рухсат этилади.

2021 йил 1 декабргача ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) тамаки маҳсулотларининг кўрсатилган турларини чакана савдосига 2022 йил 1 декабргача рухсат этилади.

## **2-боб. Тамаки маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситаларининг хусусиятлари, шу жумладан, маркировкалаш кодларининг тузилмаси ва формати**

11. Тамаки маҳсулотларининг истеъмол қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси 3 гуруҳдаги маълумотларни ташкил этувчи маркировкалаш кодини ўз ичига олади. Ушбу маълумотларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳи тамаки маҳсулотларининг истеъмол қадоғи кодини, учинчи гуруҳ эса текшириш кодини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, товар кодини ўз ичига олади, ушбу код тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида оператор томонидан шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 7 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари ҳамда махсус белгилардан) иборат бўлади ва тамаки маҳсулотининг истеъмол учун қадоғида индивидуал серия рақамини билдиради;

учинчи гуруҳ 8 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг сатрли ва ёзма ҳарфларидан, ҳамда махсус белгилардан) ташкил топади ва текшириш кодини билдиради.

Тамаки маҳсулотининг истеъмол қадоғининг рақамли идентификациялаш воситаси икки ўлчамли штрих код кўринишида DataMatrix форматида туширилади.

12. Тамаки маҳсулотларининг гуруҳланган қадоғи рақамли идентификациялаш воситаси 3 гуруҳдаги маълумотларни ташкил этувчи маркировкалаш кодини ўз ичига олади. Ушбу маълумотларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳ гуруҳланган қадоқни идентификациялаш кодини, учинчи гуруҳ эса текшириш кодини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, товар кодини ўз ичига олади, бундан олдин қўллаш идентификатори (01) келади, тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида ушбу код оператор томонидан шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 7 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, ҳамда махсус белгилардан) иборат бўлади ва тамаки маҳсулотининг гуруҳланган қадоғида индивидуал серия рақамини билдиради, бундан олдин қўллаш идентификатори (21) келади ва у оператор ёки тамаки маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалида 29 кодига эга бўлган белги маълумотларнинг ушбу гуруҳи учун якунловчи белги ҳисобланади);

учинчи гуруҳ 8 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг сатрли ва ёзма ҳарфларидан ҳамда махсус белгилардан) ташкил топади ва текшириш кодини ўз ичига олади, ундан олдин қўллаш идентификатори (93) келади ва у оператор томонидан шакллантирилади.

Тамаки маҳсулотининг гуруҳланган қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси икки ўлчамли штрих код кўринишида DataMatrix форматида туширилади.

13. Истеъмол ва гуруҳланган қадоқларга ва (ёки) ёрликқа, рақамли идентификациялаш воситаси қадоқ ва (ёки) ёрликдан кўчириб олинишига йўл қўймайдиган усулда, рақамли идентификациялаш воситаси туширилади.

Истеъмол қадоғига рақамли идентификациялаш воситаси қадоқнинг паст ёки ён томонига 5x5 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамда махсус ажратилган контраст майдонга туширилади.

Агрегациялаш таомилларини амалга оширишга қулай ўлчамда бўлишини таъминлаш мақсадида, гуруҳланган ва транспорт қадоғига рақамли идентификациялаш воситаси қадоқнинг олд ёки ён томонига туширилади.

Истеъмол ва гуруҳланган қадоқларга 0,25 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамда, транспорт қадоғига эса 2 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги махсус модул қўлланилади.

Истеъмол қадоғига ёпиштирилган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган акциз маркаси устига стикер (бошқа усулда рақамли идентификациялаш воситасини тушириш имкониятига эга бўлмаган истеъмол қадоғига ёки гуруҳланган қадоққа маҳкамланувчи, рақамли идентификациялаш воситасини шикастламасдан қадоқдан унинг ажратиб олинишини йўл қўйилмайдиган усулда рақамли идентификациялаш воситасини тушириш учун мўлжалланган қўшимча

ёрлиқ ёки ёпиштирма ёрлиқ) орқали тушириладиган рақамли идентификациялаш воситасини тушириш ёки ёпиштириш тақиқланади.

14. Истеъмол қодоғи ва гуруҳланган қодоққа ва (ёки) ёрлиққа тушириладиган рақамли идентификациялаш воситаси шаффоф ўраш плёнкаси ёки бирон-бир бошқа ташқи ўраш материали устига чоп этилмаслиги ва рақамли идентификациялаш воситасининг ўқилишига тўсқинлик қилувчи бошқа маълумот билан тўсиб қўйилмаслиги керак.

15. Рақамли идентификациялаш воситаси техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ тамаки маҳсулотлари қодоғига туширилган ахборотнинг бутунлигига зарар етказмайдиган тарзда жойлаштирилиши керак.

16. Тамаки маҳсулотларига ёрлиқларнинг туширилишига қўйидаги талаблар қўйилади:

тамаки маҳсулотларининг истеъмол қодоғи ва гуруҳланган қодоғига ёрлиқларни тушириш учун ёрлиққа туширилган рақамли идентификациялаш воситасининг ёрлиқ туширилган пайдан бошлаб тамаки маҳсулоти истеъмолчига сотилгунича ўқилишини таъминловчи технология қўлланилиши керак;

ёрлиқ тамаки маҳсулотининг истеъмол қодоғи ёки гуруҳланган қодоғига ёпиштириш йўли билан туширилади, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси томонидан товарнинг қодоғига тушириладиган ўраш плёнкасига ёрлиқнинг маҳкамланишига рухсат берилади;

ёрлиқ устига ёрлиқ юзасини ёпиб қўядиган ва (ёки) рақамли идентификациялаш воситасининг ўқилишини қийинлаштирадиган бирон-бир элементлар туширилишига йўл қўйилмайди (тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиси томонидан қодоққа тушириладиган шаффоф ўраш плёнкаси бундан мустасно).

рақамли идентификациялаш воситасининг ўлчами ва жойлашуви маркировка кодларини, шу жумладан, ISO/IEC 15415 «Ахборот технологиялар. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Чоп етиш сифатини баҳолаш учун штрих код рамзларини тест спецификацияси. Икки ўлчамли рамзлар» (ISO/IEC 15415:2011 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Bar code print quality test specification — Two-dimensional symbols») стандартига мувофиқ маълумотларнинг йиғиш терминаллари, маҳсус (мобил) иловалар ва лазер сканерлари орқали тўғри ўқилишини ва аниқланишини таъминлаши керак.

### **3-боб. Тамаки маҳсулотларини агрегациялаш тартиби**

17. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар тамаки маҳсулотларини агрегациялашни амалга оширади (алоҳида қодоқни гуруҳланган қодоққа ва гуруҳланган қодоқни транспорт қодоғига) ва уни тамаки маҳсулотининг агрегациялангани тўғрисидаги маълумотни тамаки маҳсулоти айланмасининг кейинги иштирокчисига узатишдан (сотишдан) аввал маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

18. 1 (бир) ҳисобот даври (ойи) доирасида бутун ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари бўйича истеъмол ва гуруҳланган қодоқларни агрегациялашнинг ўртача самарадорлиги қўйидагиларни ташкил қилиши керак:

а) филтрли сигаретлар учун:

95 фоиздан кам бўлмаган — 2021 йил 1 майдан бошлаб;

99 фоиздан кам бўлмаган — 2021 йил 1 июлдан бошлаб.

б) филтрсиз сигаретлар учун:

95 фоиздан кам бўлмаган — 2022 йил 1 апрелдан бошлаб;

99 фоиздан кам бўлмаган — 2022 йил 1 июндан бошлаб.

Бунда гуруҳланган қадоқ ичида агрегацияланадиган иккита истеъмол қадоғидан ва транспорт қадоғи ичида иккита гуруҳланган қадоқдан ошмаган ҳолда идентификациялаш коди тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаслигига рухсат этилади.

Ушбу ҳолатда агрегациялашни амалга оширувчи тамаки маҳсулотлари айланмасининг иштирокчиси агрегациялаш бошланган кундан 5 (беш) иш куни давомида истеъмол қадоқларини идентификациялаш кодлари ва (ёки) агрегациялашда маркировкалаш ахборот тизимига узатилмаган гуруҳланган қадоқларни идентификациялаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

## Алкоголь маҳсулотларини рақамли идентификация воситалари билан мажбурий маркировкалаш хусусиятлари тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом алкоголь маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш хусусиятларини, алкоголь маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситаларининг хусусиятларини, алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан Маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими операторига (кейинги ўринларда — оператор, маркировкалаш ахборот тизими) алкоголь маҳсулотлари айланмаси тўғрисидаги маълумотни тақдим этишнинг босқичлари ва муддатларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**агрегациялаш** — яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғининг идентификациялаш коди билан ҳар бир жойлаштирилган истеъмол қадоғи, гуруҳланган қадоқ, транспорт қадоғининг идентификациялаш кодларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотни сақловчи яратилувчи гуруҳланган қадоқ ва (ёки) транспорт қадоғига босиб тушириш билан истеъмол қадоғини биринчи даража гуруҳланган қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига ҳамда биринчи даража транспорт қадоқларининг кейинги даража транспорт қадоғига маҳсулотларни бирлаштириш жараёни;

**сервис-провайдер** — маҳсулотлар айланиши иштирокчисининг топшириғи бўйича маркировкалаш кодининг идентификациялаш воситасига ўзгартирилишини ва идентификациялаш воситасининг истеъмол қадоғига ва (ёки) гуруҳланган қадоғига ва (ёки) ёрлиққа ва (ёки) стикерга оператор томонидан тақдим этилувчи дистрибуциянинг, нашрнинг ва валидациянинг дастурий-аппарат мажмуасини қўллаш билан туширилишини ҳамда идентификациялаш воситаларининг валидациясини амалга оширувчи юридик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор;

**стикер** — бошқа усулда рақамли идентификациялаш воситасини тушириш имкониятига эга бўлмаган истеъмол қадоғига ёки гуруҳланган қадоғига маҳкамланувчи, рақамли идентификациялаш воситасини шикастламасдан қадоқдан унинг ажратиб олинишига йўл қўйилмайдиган усулда рақамли идентификациялаш воситасини тушириш учун мўлжалланган қўшимча ёрлиқ (ёпиштирма ёрлиқ);

**ёрлиқ** — ёзувлар, тасвирлар, белгилар, рамзлар, бошқа белгиланишлар ва (ёки) уларнинг мажмуаси кўринишида маҳсулот тўғрисидаги маълумотни туширувчи ва қадоққа, жумладан, ёпиштириш йўли билан маҳкамланувчи маълумотни ташувчи.

3. Рақамли идентификациялаш воситалари билан алкоголь маҳсулотларнинг мажбурий маркировкалаш истеъмол қадоғи ва (ёки) гуруҳланган қадоқда сотиладиган алкоголь маҳсулотларининг қуйидаги турларига нисбатан амалга оширилади:

- а) спиртли ичимликлар;
- б) вино ва виночилик маҳсулотлари;
- в) пиво ва пиво ичимликлари.

Алкоголь маҳсулотларининг тури Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент (UzTR.71-012:2017) асосида белгиланади.

4. Алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар:

а) алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш билан шуғулланувчиларда алкоголь маҳсулотини фойдаланишга киритиш ва (ёки) фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи ишлаб чиқарувчилари ва импорт қилувчилари 2020 йил 31 декабргача ёки 2020 йил 31 декабрдан кейин мазкур фаолиятни амалга оширилиши зарурати юзага келган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва (ёки) олиб кириладиган алкоголь маҳсулотлари номенклатураси тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимиغا киритади;

б) рақамли идентификациялаш воситаси алкоголь маҳсулотларининг истеъмол қадоғига туширилишини таъминлайди, шунингдек, алкоголь маҳсулотларни маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимиغا киритади:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 январдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 январдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2021 йил 1 апрелдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2021 йил 1 декабрдан.

в) алкоголь маҳсулотларини агрегациялашни таъминлайди:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 декабрдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 декабрдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 мартдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 ноябрдан.

г) алкоголь маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимиغا киритади:

спиртли ичимликлар — 2022 йил 1 январдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2022 йил 1 январдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 апрелдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 декабрдан.

д) маркировкаланмаган алкоголь маҳсулотлари қолдиқларининг сотилишини (улгуржи савдога сотилишини) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича кўрсатилган қолдиқларнинг айланмадан чиқарилишини таъминлайди:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 июлгача;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 июлгача;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2021 йил 1 октябргача;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 июн гача.

5. Рақамли идентификация воситаларини шакллантириш ва уларнинг алкоголь маҳсулотлари истеъмол қадоғига ва гуруҳланган қадоғига туширилиши учун зарур бўлган маркировкалаш кодларини берганлик учун тўловлар 2021 йил 1 апрелдан бошлаб операторга тўлаб борилади.

6. Алкоголь маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб оладиган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси ташкилотлари:

а) алкоголь маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилардан сотиб олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи савдо

ташкilotлари 2021 йил 1 февралгача ёки 2021 йил 1 февралдан кейин мазкур фаолиятни амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) маркировкаланмаган алкоголь маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (чакана савдога сотилишини) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши билан боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ушбу қолдиқлар муомаладан чиқарилишини таъминлайди:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 октябргача;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 октябргача;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 январгача;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 сентябргача.

в) алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан ва импорт қилувчилардан сотиб олишга доир барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 декабрдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 декабрдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 мартдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 ноябрдан.

г) алкоголь маҳсулотлари айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади:

спиртли ичимликлар — 2022 йил 1 январдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2022 йил 1 январдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 апрелдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 декабрдан.

7. Алкоголь маҳсулотларининг чакана савдосини амалга оширувчи алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари:

а) алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси билан шуғулланувчи алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси 2021 йил 30 мартгача ёки 2021 йил 30 мартдан кейин алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси билан боғлиқ фаолиятни амалга оширилиши зарурати пайдо бўлган кундан бошлаб 7 календарь куни давомида маркировкалаш ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади;

б) алкоголь маҳсулотларининг чакана савдоси бўйича маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади:

спиртли ичимликлар — 2021 йил 1 майдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2021 йил 1 майдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2021 йил 1 октябрдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 мартдан.

в) алкоголь маҳсулотларининг айланмаси бўйича барча ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида киритади:

спиртли ичимликлар — 2022 йил 1 январдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2022 йил 1 январдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 апрелдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 декабрдан.

г) маркировкаланмаган алкоголь маҳсулотларининг қолдиқлари сотилишини (якуний истеъмолчига сотилишини) ва (ёки) уларнинг учинчи шахсларга сотилиши

билан боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли ушбу қолдиқлар муомаладан чиқарилишини таъминлайди:

спиртли ичимликлар — 2022 йил 1 январгача;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2022 йил 1 январгача;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 апрелгача;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 декабргача.

8. 2021 йил 1 январга қадар оператор тақдим этган маркировкалаш кодларидан алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан қайта ўзгартирилган рақамли идентификация воситалари билан маркировкаланган алкоголь маҳсулотлари алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчиларидан 2021 йил 1 январь ҳолати бўйича рақамли идентификация воситаларини шундай алкоголь маҳсулотларига тушириш тўғрисида олинган маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида оператор томонидан акс этирилиши шарти билан тегишли равишда маркировкаланган деб тан олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголь маҳсулотларини (пиво маҳсулотлари ҳамда металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотларидан ташқари) рақамли идентификациялаш воситалари туширимасдан ҳамда алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида юбормасдан 2021 йил 1 январдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2021 йил 1 январдан кейин ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларини чакана сотилиши фақат уларнинг чакана сотилиши тўғрисидаги маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида киритилганда йўл қўйилади.

2021 йил 1 январгача ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана савдосига 2022 йил 1 январгача йўл қўйилади.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиво маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситалари туширимасдан ҳамда алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида юбормасдан 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана сотилишига фақат уларнинг чакана сотилиши тўғрисида маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимида киритилганда йўл қўйилади.

2021 йил 1 апрелгача ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана савдосига 2022 йил 1 апрелгача йўл қўйилади.

11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситалари туширимасдан ҳамда алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларини рақамли идентификациялаш воситалари билан маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимида юбормасдан 2021 йил 1 декабрдан бошлаб ишлаб чиқариш тақиқланади.

2021 йил 1 декабрдан бошлаб ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларининг кўрсатилган турларининг чакана сотилишига фақат уларнинг

чакана сотилиши тўғрисида маълумотлар маркировкалаш ахборот тизимига киритилганда йўл қўйилади.

2021 йил 1 декабрча ишлаб чиқарилган (олиб кирилган) алкоголь маҳсулотларнинг кўрсатилган турларининг чакана савдосига 2022 йил 1 декабрча йўл қўйилади.

## **2-боб. Алкоголь маҳсулотларини рақамли идентификациялаш воситаларининг хусусиятлари, шу жумладан, маркировкалаш кодларининг тузилмаси ва формати**

12. Алкоголь маҳсулотларининг истеъмол қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси 3 гуруҳдаги маълумотларни ташкил этувчи маркировкалаш кодини ўз ичига олади. Ушбу маълумотларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳи алкоголь маҳсулотларининг гуруҳланган қадоғи кодини, учинчи гуруҳ эса текшириш кодини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, товар кодини ўз ичига олади, бундан олдин қўллаш идентификатори (01) келади, алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида ушбу код оператор томонидан шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 7 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, ҳамда махсус белгилардан) иборат бўлади ва алкоголь маҳсулотининг гуруҳланган қадоғида индивидуал серия рақамини билдиради, бундан олдин қўллаш идентификатори (21) келади ва у оператор ёки алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалида 29 кодига эга бўлган белги маълумотларни ушбу гуруҳи учун яқунловчи белги ҳисобланади);

учинчи гуруҳ 4 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфларидан ҳамда махсус белгилардан) ташкил топади ва текшириш кодини ўз ичига олади, ундан олдин қўллаш идентификатори (93) келади ва у оператор томонидан шакллантирилади.

Алкоголь маҳсулотининг гуруҳланган қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси икки ўлчамли штрих код кўринишида DataMatrix форматида туширилади.

13. Алкоголь маҳсулотларининг гуруҳланган қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси 3 гуруҳдаги маълумотларни ташкил этувчи маркировкалаш кодини ўз ичига олади. Ушбу маълумотларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳи алкоголь маҳсулотларининг истеъмол қадоғи кодини, учинчи гуруҳ эса текшириш кодини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, товар кодини ўз ичига олади, бундан олдин қўллаш идентификатори (01) келади, алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида ушбу код оператор томонидан шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 13 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, ҳамда махсус белгилардан) иборат бўлади ва алкоголь маҳсулотининг гуруҳланган қадоғида индивидуал серия рақамини билдиради, бундан олдин қўллаш идентификатори (21) келади ва у оператор ёки алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалида 29 кодига эга бўлган белги маълумотларни ушбу гуруҳи учун яқунловчи белги ҳисобланади);

учинчи гуруҳ 4 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфларидан ҳамда махсус белгилардан) ташкил топади ва текшириш кодини ўз ичига олади, ундан олдин қўллаш идентификатори (93) келади ва у оператор томонидан шакллантирилади.

Алкоголь маҳсулотининг гуруҳланган қадоғини рақамли идентификациялаш воситаси икки ўлчамли штрих код кўринишида DataMatrix форматида туширилади.

14. Рақамли идентификациялаш воситаси истеъмол қадоғи ва (ёки) гуруҳланган қадокқа ва (ёки) стикерга рақамли идентификациялаш воситасининг қадокдан кўчириб олинишига йўл қўймайдиган усулда туширилади.

Истеъмол қадоғига рақамли идентификациялаш воситаси ёрлиқ (контрёрлиқ) ва (ёки) стикерда 14x14 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамда махсус ажратилган контраст майдонга туширилади.

Гуруҳланган ва транспорт қадоғига рақамли идентификациялаш воситаси қадокнинг олд ёки ён томонига туширилади ва агрегациялаш таомилларини амалга оширишга қулай ўлчамда бўлишини таъминлаш керак.

Истеъмол қадоғи ва гуруҳланган қадокқа 0,35 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамда, транспорт қадоғига эса 2 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги махсус модул қўлланилади.

Ёрлиқ (контрёрлиқ) мавжуд бўлган истеъмол қадоғини маркировкалаш учун стикерларни қўллашга ишлаб чиқарувчи томонидан 2021 йил 1 январгача амалга оширилган буюртма асосида чоп этилган ёрлиқ (контрёрлиқ) қолдиқлари тўлиқ тугагунча, аммо 2021 йил 1 декабрдан кечиктирмасдан йўл қўйилади.

Импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан рақамли идентификациялаш воситаси давлат тилида маркировкалаш учун мўлжалланган стикерга туширилиш керак.

Истеъмол қадоғига ёпиштирилган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган акциз маркази устига стикер орқали тушириладиган рақамли идентификациялаш воситасини тушириш ёки ёпиштириш тақиқланади.

15. Истеъмол қадоғи ва гуруҳланган қадокқа ва (ёки) ёрлиққа ва (ёки) стикерга тушириладиган рақамли идентификациялаш воситаси шаффоф ўраш плёнкаси ёки бирон-бир бошқа ташқи ўраш материали устига чоп этилмаслиги ва рақамли идентификациялаш воситасининг ўқилишига тўсқинлик қилувчи бошқа маълумот билан тўсиб қўйилмаслиги керак.

16. Истеъмол қадоғи ва гуруҳланган қадокқа ва (ёки) ёрлиққа тушириладиган рақамли идентификациялаш воситаси шаффоф ўраш плёнкаси ёки бирон-бир бошқа ташқи ўраш материали устига чоп этилмаслиги ва рақамли идентификациялаш воситасининг ўқилишига тўсқинлик қилувчи бошқа маълумот билан тўсиб қўйилмаслиги керак.

17. Алкоголь маҳсулотларига ёрлиқлар (контрёрлиқлар) ва (ёки) стикерлар туширилишига қуйидаги талаблар қўйилади:

алкоголь маҳсулотларининг қадоғига ёрлиқлар (контрёрлиқлар) ва (ёки) стикерни тушириш учун ёрлиққа ва (ёки) стикерга туширилган рақамли идентификациялаш воситасининг ёрлиқ ва (ёки) стикер туширилган пайдан бошлаб алкоголь маҳсулоти истеъмолчига сотилгунича ўқилишини таъминловчи технология қўлланилиши керак;

ёрлиқ (контрёрлиқ) ва (ёки) стикер алкоголь маҳсулотининг бевосита қадоғига ёпиштириш йўли билан туширилади;

ёрлиқ (контрёрлиқ) ва (ёки) стикер устига ёрлиқ юзасини ёпиб қўядиган ва (ёки) рақамли идентификациялаш воситасининг ўқилишини қийинлаштирадиган бирон-бир элементлар туширилишига йўл қўйилмайди;

рақамли идентификациялаш воситасининг ўлчами ва жойлашуви маркировкалаш кодларини, шу жумладан, ISO/IEC 15415 «Ахборот технологиялар. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Чоп этиш сифатини баҳолаш учун штрих коди рамзларини тест спецификацияси. Икки ўлчамли

рамзлар» (ISO/IEC 15415:2011 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Bar code print quality test specification — Two-dimensional symbols») стандартига мувофиқ маълумотларнинг йиғиш терминаллари, махсус (мобил) иловалар ва лазер сканерлари орқали тўғри ўқишлишни ва аниқланишни таъминлаши керак.

18. Маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартириш ва уларни истеъмол қадосига ва (ёки) гуруҳланган қадосқа, ва (ёки) ёрлиққа, ва (ёки) стикерга тушириш алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи ва (ёки) сервис-провайдер томонидан амалга оширилади.

19. Маркировкалаш кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартириш ва уларни сервис-провайдер томонидан туширилиши учун қуйидагиларга эга бўлиши зарур:

а) электрон рақамли имзо;

б) алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчисининг топшириғи бўйича рақамли идентификация воситасини ўзгартириш ва уни тушириш учун етарли бўлган, ammo алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчисининг қадослар, ёрлиқлар ва стикерлар ишлаб чиқариш учун мунтазам жойлаштириладиган буюртмаларидан паст бўлмаган унумдорлик билан ишлайдиган комплекс полиграфия асбоб-ускунаси;

в) қуйидагиларни таъминловчи дистрибуция, матбаа ва валидация дастурий-аппарат комплекси:

алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчиларининг маркировкалаш кодларини ҳимояланган ҳолда сақлаш;

алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчисидан сервис-провайдерга маркировкалаш кодларини етказиб берувчи алоқа каналини ҳимоя қилиш;

алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчисидан сервис-провайдерга маркировкалаш кодларининг етказиб бериш;

маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартириш (нашрни бошқариш);

рақамли идентификациялаш воситаларининг туширилиш сифатини аппаратли валидациялаш (техник кўриш воситаларини қўллаган ҳолда);

рақамли идентификациялаш воситаларини валидациялаш модули ёрдамида маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартириш тўғрисида ҳисоботларни шакллантириш ва уларни маркировкалаш ахборот тизимига киритиш;

маркировкалаш қоидаларига риоя этиш (тушириш сифатини валидациялашдан сўнг ва маркировкалаш кодидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот шакллантирилган кейин текшириш кодини ўчириб ташлаш);

алоҳида тезкор сақлаш имконини берадиган ҳимояланган сақлагичдан алкоголь маҳсулотларини айланмаси иштирокчиларининг маркировкалаш кодларини (ишлаб чиқариш жараёнида маркировкалаш кодларини рақамли идентификация воситаларига ўзгартириш) ва маркировкалаш кодлари ҳамда алкоголь маҳсулотлари айланмаси турли иштирокчиларининг идентификациялаш воситалари туширилиши ва валидацияси тўғрисидаги ҳисоботларини танлаш;

маркировкалаш кодларининг туширилиши ва валидациялашдан кейин уларни такроран тушириш имконияти йўқлигининг кафолати.

20. Сервис-провайдерга дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплекси оператор томонидан тақдим этилади. Қайд этилган дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплексини олиш учун сервис-провайдерлар оператор билан шартнома тузади.

21. Сервис-провайдер идентификациялаш воситаларининг туширилишида рақамли идентификациялаш воситаларини нашр қилиш сифати стандартларига риоя қилишга мажбурдир.

22. Сервис-провайдер томонидан маркировкалаш кодининг рақамли идентификациялаш воситасига ўзгартирилиши ва қадокқа ёки ёрлиққа, ёки стикерга туширилишидан кейин алкоголь маҳсулотлари айланмаси иштирокчисига рақамли идентификациялаш воситаси туширилган қадокни ёки ёрлиқни, ёки стикерни бериб юборишдан аввал нашр қилиш сифати валидацияси амалга оширилади.

23. Валидациядан ўтгандан кейин дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплекси рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартирилган маркировкалаш кодларининг муваффақиятли туширилиши тўғрисида ҳисоботни шакллантиради.

24. Сервис-провайдер Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги 476-сон қарори билан тасдиқланган Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган қадокларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентнинг (UzTR.476-021:2017) санитар-гигиеник талабларини қониқтирувчи сертификатланган материаллардан фойдаланиши керак.

25. Рақамли идентификациялаш воситасини тушириш усули ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган сақлаш шароитлари ва транспортда ташиш қоидаларига риоя этилганда, озиқ-овқат маҳсулотларининг бутун яроқлилиқ муддати давомида рақамли идентификациялаш воситасининг сақланишини (барқарорлигини) таъминлаши керак.

26. Сервис-провайдер оператор томонидан тақдим этиладиган дистрибуция, матбаа ва валидациянинг дастурий-аппарат комплексидан фойдаланиши зарур.

27. Сервис-провайдер айланма иштирокчиларидан олинган маркировкалаш кодларини учинчи томонга тақдим этиши мумкин эмас.

### **3-боб. Алкоголь маҳсулотларни агрегациялаш тартиби**

28. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар 2021 йил 1 декабрдан бошлаб алкоголь маҳсулотларини агрегациялашни амалга оширади (алоҳида қадокни гуруҳланган қадокқа ва гуруҳланган қадокни транспорт қадоғига) ва уни алкоголь маҳсулотининг агрегациялангани тўғрисидаги маълумотни алкоголь маҳсулоти айланмасининг кейинги иштирокчисига узатишдан (сотишдан) аввал маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

29. 1 (бир) ҳисобот даври (ойи) доирасида бутун ишлаб чиқарилган алкоголь маҳсулотлари бўйича истеъмол қадоғи ва гуруҳланган қадокларни агрегациялашнинг ўртача самарадорлиги 99 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас:

спиртли ичимликлар — 2022 йил 1 январдан;

вино ва виночилик маҳсулотлари — 2022 йил 1 январдан;

пиво ва пиво маҳсулотлари — 2022 йил 1 апрелдан;

металл, шу жумладан, алюмин идишдаги алкоголь маҳсулотлари — 2022 йил 1 декабрдан.

Бунда гуруҳланган қадок ичида агрегацияланадиган иккита истеъмол қадоғида ва транспорт қадоғи ичида иккита гуруҳланган қадокда идентификациялаш коди тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд бўлмаслигига рухсат этилади.

Ушбу ҳолатда агрегациялашни амалга оширувчи алкоголь маҳсулотлари айланмасининг иштирокчиси агрегациялаш бошланган кундан 5 (беш) иш куни давомида истеъмол қадокларини идентификациялаш кодлари ва (ёки) агрегациялашда маркировкалаш ахборот тизимига узатилмаган гуруҳланган қадокларни идентификациялаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни маркировкалаш ахборот тизимига киритади.

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган**

### **ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Товарлар идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировка тартибларига риоя этган ҳолда (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировка талаб этиладиган маҳсулотлар учун) улгуржи сотилиши мумкин»;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Чакана савдони амалга оширувчи юридик шахслар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари ҳамда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировка тартибларига (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировка талаб этиладиган маҳсулотлар учун) риоя этиши шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлақати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак»;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Чакана савдони амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар товарларнинг сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда сотиш жойларида сотилаётган товарларнинг мувофиқлик сертификатларига эга бўлишлари ҳамда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировка тартибларига (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировка талаб этиладиган маҳсулотлар учун) риоя этиши шарт. Сотиладиган товарлар витриналарга қўйилган бўлиши ва келиб чиққан мамлақати, ишлаб чиқарувчиси ва нархи кўрсатилган нархномаларга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддатига эга бўлган товарларни сотиш чоғида нархномаларда яроқлилик муддати ҳам кўрсатилган бўлиши керак»;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«40. Савдо комплексларида якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни чакана сотиш фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини ва тўловларни пластик карточкалардан қабул қилиш бўйича тўлов терминалларини мажбурий қўллаган ҳамда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировка тартибларига (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировка талаб этиладиган маҳсулотлар учун) риоя этган ҳолда амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига:

а) 1-иловада:

37-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш (идентификация қилиш орқали мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун);»

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишлича тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

58-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«58. Сифатига кўра техник регламентлар ёки стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ бўлган, белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркаланган (пиводан ташқари), шунингдек, идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотилиши керак»;

60-бандда:

ўн саккизинчи хатбошидаги «тақиқланади» сўзи чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаган (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун) товарларни сотиш тақиқланади»;

189-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги йигирманчи хатбоши қўшилсин\*:

«идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаган товарларни сотиш (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун);»

йигирманчи — йигирма тўртинчи хатбошилар тегишлича йигирма биринчи — йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

20<sup>1</sup>-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«алкоголли маҳсулот идишида алкоголли маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги матн ва (ёки) расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаганда, шунингдек, идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаганда»;

25-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

«идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаган товарларни сотиш (идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаб этиладиган маҳсулотлар учун);»

ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар тегишлича ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 сентябрдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

7-банднинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциз маркалари билан маркалаш ҳамда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш учун асбоб-ускуналарнинг мавжуд бўлиши»;

28-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари, шунингдек, идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш

тартибларига риоя этмасдан амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш ҳуқуқига эга».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб киришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 13 майдаги 127-сон қарорининг 5-бандида:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қароридан назарда тутилган рақамли маркировка қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар учун рақамли идентификациялаш воситаси (DataMatrix коди)»;

ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишлича ўн биринчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банди «к» кичик бандида «алкоголь маҳсулотларини маркалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи» сўзлари «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ) ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банди «з» кичик бандида «алкоголь маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи» сўзлари «Asl belgisi» МАТга ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва уларнинг айланмасини назорат қилиш бўйича «тахлика-тахлил» тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 18 мартдаги 166-сон қароридан:

2-банди учинчи хатбошида «ахборот тизимлари» сўзларидан кейин «ҳамда «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими» сўзлари қўшилсин;

илованинг 2-банди тўққизинчи хатбошида «алкоголь ва тамаки маҳсулотларини» сўзларидан кейин «идентификация воситалари билан мажбурий рақамли» сўзлари қўшилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 301-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланадиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомда:

28-банднинг «д» кичик бандидаги «алкоголь маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи» сўзлари «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ) ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг «б» кичик бандидаги «Ҳисобга олиш ахборот тизимида» сўзларидан кейин «ҳамда «Asl belgisi» МАТда» сўзлари қўшилсин;

38-бандда:

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш тартибларига риоя этмаслик»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:

15-банди ўн иккинчи хатбошида «Маркировкаланадиган» сўзи «Идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкаланадиган» сўзларига алмаштирилсин;

17-банди ўн бешинчи хатбошида «Маркировкаланадиган» сўзи «Идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкаланадиган» сўзларига алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 753-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 10-бандида:

«д» кичик бандининг учинчи хатбошида «алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировкалаш бўйича маҳсулотларни маркировкалаш ахборот тизими» сўзлари «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ж» кичик бандининг бешинчи хатбошида «алкоголь ва тамаки маҳсулотини маркировкалаш ва кузатиш тизимини ўз ичига олувчи» сўзлари «Asl belgisi» МАТга ҳамда» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11 банди ўн бешинчи хатбошида «идентификация воситалари билан» сўзларидан кейин «мажбурий рақамли» сўзлари қўшилсин.

Изоҳ. 1 ва 2-бандлар, 6-банднинг учинчи хатбошиси, 7-банднинг учинчи хатбошиси 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган айрим қарорлари**

**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2008 йил 7 майдаги 90-сон қарорига 1-илованинг 16-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2012 йил 14 сентябрдаги 271-сон қарорига илованинг 13 ва 22-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарларининг айрим гуруҳларини Ўзбекистон Республикасига четдан келтиришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида» 2011 йил 12 декабрдаги 324-сон қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида» 2013 йил 19 февралдаги 47-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 4 майдаги 75-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2013 йил 4 мартдаги 62-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 20 июндаги 211-сон қарорига 1-илованинг 16 ва 18-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 23 ноябрдаги 944-сон қарори.

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/833/1704-сон)*